

# Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСII,  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА

#8 (2094) | ШАНБА, 25 ФЕВРАЛЬ 2023 ЙИЛ

WWW.XOLISNAZAR.UZ

@XOLIS\_NAZAR

@XOLISNAZAR



## «Ҳунар ўрганишнинг энг катта замини – маҳалла»

2-  
саҳифада.

### МАҲАЛЛАНИНГ МОЛЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Тузилманинг молявий мустақиллиги таъминланса, маҳалла қандайдир хизматларни кўрсатишда шартномалар асосида ҳисоб-рақамига пул тушириши, мазкур маблағларни ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳолини қўллаб-қувватлаш ва маҳаллада ишловчи ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтириш имкони бўлади.

4

### «ОЙИГА 1 МИЛЛИАРД СЎМ ДАРОМАД ТОПАЯПМАН»

Бугун маҳаллаларда берилган имтиёزلардан тўғри фойдаланиб, катта даромад топаётган хотин-қизлар кўпчиликини ташкил этади. Балки қишлоқ аёллари ойига 1 миллиард сўм даромад топиб, 50 нафарга яқин маҳалладошларини бандлигини таъминламоқда, десак ишонмасиз. Аммо бу — ҳақиқат. Масалан, Олтинкўл туманидаги «Бўстон» маҳалласида бу борада ўзига хос тажриба тўпланган.

7

### ИЛМ-ФАН НИҚОБИДАГИ БИЗНЕС — «ЛОХОТРОН»

Тадқиқотчиларга хорижий тан олинган ва Олий аттестация комиссиясидан рўйхатдан ўтган журналларда мақола чоп этиш мажбурияти борлиги шу йўналишда хизмат кўрсатишга ихтисослашган нодавлат босма ва электрон нашрлар, илмий марказларнинг кўпайишига олиб келди. Илмий марказ мақомидаги ННТлар турли анжуманлар ташкилотчиси сифатида майдонга чиқмоқда.

15

### ОДАМЛАР ҚАЧОН ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИНИ ТАНЛАЙДИ?

Аҳоли нега автобусларни соатлаб кутиши керак? Камига улар белгиланган меъёрдан кўп йўловчи олади. Аҳолидан ўз машиналаридан эмас, жамоат транспортларидан фойдаланиш тавсия қилинар экан, нега улар талаб даражасида хизмат кўрсатмайди? Бири автобус салони «ёрилиб» кетгунча йўловчи олса, бошқаси катта йўлда «пойга» ўйнайди...

16



# «Хунар ўрганишнинг энг катта замини — маҳалла»

БУГУН МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИДАН ТАЛАБ ЭТИЛАЁТГАН ВАЗИФА АНИҚ — ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭКАНИНИ ҲИС ҚИЛМАСИН, МУАММОСИ БИЛАН ЎЗИ ЁЛҒИЗ ҚОЛМАСИН, МАҲАЛЛАНИНГ, ДАВЛАТНИНГ МАДАДИНИ ҲАР ЛАҲЗА ҲИС ЭТИБ ТУРСИН

Президент қайси ҳудудга борса, албатта, маҳаллалар ҳаёти билан танишади, аҳоли билан мулоқот қилади. Бу бир томондан жойлардаги ҳақиқий вазиятни ўрганиш, одамлар дардини ҳис қилиш имконини берса, иккинчи томондан маҳаллалар аҳлига қувонч улашади, уларнинг эртанги кунга ишончини орттиради. Бу гал ҳам шундай бўлди — Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятига ташрифини айнан маҳалладан бошлади.



**М**аҳалламиз янги — 2021 йилда ташкил топган. Ҳозир бу ерда 4 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Худуд ободонлаштирилиб, тадбиркорлик ривожланмоқда. Тўқимачилик корхонаси, дорихона, минибанк, озик-овқат дўконлари ва хизмат кўрсатиш устaxonалари аҳоли хизматида. Уларнинг фаолиятини намунали тарзда йўлга қўйишда маҳалла фаоллари жонбозлик кўрсатмоқда. Очиги, маҳалламиз янги бўлгани боис бу ерда мактаб йўқ эди. 500 нафардан ортиқ ўғил-қизларимиз 10 километр масофадаги мактабга қатнардик. Яқинда йиғинимизда 600 ўринли янги мактаб қуриб битказилди. Замонавий жиҳозланган синфхоналар, кутубхона, фаоллар зали, ошхона, STEM лабораторияси, компьютер хонаси ва касбга йўналтириш хоналари мавжуд. Очик ва ёпиқ спорт майдончалари, йўл ҳаракати хавфсизлиги

йўлакларини ташкил этилган. Давлатимиз раҳбари вилоятимизга, маҳалламизга ташрифини айнан шу манзилдан бошлади. Бунда ўзига хос маъно бор. Чунки Президентимиз ёшлар таълим-тарбиясига, касб-хунар эгаллашига алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, 2023 йилга «**Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили**», дея ном берилди. Ёшларни камида иккита чет тили ва битта замонавий хунарга ўргатиш мактаб таълимидаги асосий йўналиш сифатида белгиланди. Мактабимизда бу борада барча шароитлар яратилган. Махсус жиҳозланган хоналарда ўқувчилар тикувчилик, заргарлик, пазандачилик, сартарошлик, электросозлик, компьютер ва мобил телефонларга хизмат кўрсатиш, робототехника бўйича касб сирларини ўрганади. Президентимиз йиғинимизда ташкил этилаёт-

ган Касаначилик маркази фаолияти билан танишди, бу ерда яратилаётган шароитларни кўздан кечирди. Айтиш керакки, марказ «Янги Батож»дан ташқари унга туташ «Батож», «Хониён», «Тараққиёт», «Дашт», «Жумабозор» каби маҳаллаларга хизмат қилади. У тўлиқ ишга тушса, қарийб 24 минг нафар аҳоли бандлигида муҳим омил бўлади. «Ўзи хунар ўрганишнинг энг катта замини — маҳалла. Бу анъанамиздан фойдаланиб, касаначилик асосида, устоз-шогирдлик асосида ёшларни хунарли қилиш мумкин. Бу уларга, айниқса, хотин-қизларга ҳам маънавий, ҳам моддий куч бўлади», — деди Шавкат Мирзиёев.

Марказда тикувчилик, чармдўзлик, гиламчилик махсусотлари тайёрланиши билан бирга, касаначиларга иш ўргатилади. Ҳоким ёрдамчиси ҳамда хотин-қизлар фаоли томонидан иш-сиз фуқаролар аниқланиб,

қизиқиш ва хоҳишларига кўра, йўналишлар бўйича усталарга бириктирилади. Буюртмаларни тайёрлашни тўлиқ ўзлаштирган касаначиларга уйда ишлаши учун керакли дастгоҳ ҳамда хомашё берилади. Буюртмачи ва касаначи ўртасида тузилган шартномалар ҳоким ёрдамчиси томонидан «Ягона меҳнат миллий тизими»га киритилади.

Давлатимиз раҳбари марказ фаолияти билан танишар экан, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашда маҳалла ходимлари фаол ва ташаббускор бўлиши, ҳар бир хонадондаги мавжуд вазиятни билган ҳолда, ишсиз ва қийналган оилаларни имкон қадар даромадли меҳнатга жалб этиши, касб-хунар эгаллашига кўмаклашиши лозимлигини таъкидлади. Маҳалланинг ўрни ва аҳамияти, одамлар ҳаётига таъсири айнан шу

ҳолатларда билиниши қайд этилди.

Президент бизга берган ишонч ва имконият туфайли энди маррани янада баланд оламиз. Ҳар бир оила, ҳар бир хонадон, керак бўлса, ҳар бир фуқаро билан индивидуал ишлаб, уларнинг дардини аритишга, муаммоларига ечим топишга, тадбиркорлик ва бошқа ғояларига кўмакдош бўлишга интиламиз. Ҳар қандай масала маҳалланинг ўзида ҳал бўлишига эътибор қаратамиз. Аслида, бугун маҳалла фаолларидан талаб этилаётган вазифа шу — ҳеч ким эътибордан четда эканини ҳис қилмасин, муаммоси билан ўзи ёлғиз қолмасин, маҳалланинг, давлатнинг мададини ҳар лаҳза ҳис этиб турсин.

Акбар ХИДИРОВ,  
Қарши туманидаги «Янги Батож» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.



## «Президент бандлик соҳасидаги ишларга юқори баҳо берди»



**БУГУН МАҲАЛЛАМИЗДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ФАҚАТГИНА МАЪМУРИЙ БИНО-ИНШОТЛАРДА ЭМАС, ҲАР БИР КЎЧАДА, ҲАР БИР ОИЛАДА ЮЗ БЕРМОҚДА. ФАЙЗ-БАРАКА ҲАР БИР ХОНАДОНГА КИРИБ БОРДИ. АЁЛЛАР, ЁШЛАР ИШЛИ БЎЛДИ. ЭНГ МУҲИМИ, БОҚИМАНДАЛИК КАЙФИЯТИ ЎРНИНИ ТАДБИРКОРЛИК РУҲИ ЭГАЛЛАДИ**

**Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро вилоятига ташири давомида маҳалламизда бўлиб, ҳудудда амалга оширилаётган ишлар билан танишди, маҳалла фаоллари, шу ерда яшовчи одамлар, хотин-қизлар билан мулоқот қилиб, уларни ўйлантираётган масалалар юзасидан фикр алмашди. Айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг ташири ҳар бир работиқалмоқлик кўнглини тоғдек ишончини яна бир қарра оширди.**

**Маҳалламиз катта — бу ерда 7 та қишлоқ, 1 920 та хонадон, 9 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади.**

Хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик — асосий «драйвер» соҳалар саналади. Ўтган йили маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш мақсадида вилоятда намуна тариқасида «Работиқалмоқ» маҳалласи танлаб олиниб, йиғинда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, қатор ижтимоий соҳа объектлари, хизмат кўрсатиш марказлари барпо этилди. Умуман олганда, одамлар кўз ўнгида шинам, файзли, намунали бир гўша бунёд бўлди.

**Ташири давомида Президентга маҳалладаги бунёдкорликлар, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ташаббуслар намойиш этилди.**

Давлатимиз раҳбари тикувчилик корхонаси фаолияти билан танишиб, ишчилар билан суҳбатлашди. Айниқса, «Маҳалладаги ўзгаришларни, сизнинг ишли бўлганингизни кўриб, хурсанд бўлдим. Булар — халқ ичига кириб, халқ билан бирга қилаётган сабъ-ҳаракатларимизнинг кичик бир натижаси. Агар ҳокимлик ва ташкилотлар шароит яратиб беролса, ҳар бир оила ўзини эплаб кетолса, мақсадимга эришган бўламан. Шунда катта оиламиз — давлатимиз ҳам мустақкам бўлади», — деган сўзлари бизга ўзгача ғурур бағишлади.

**Айтиш керакки, ўтган йили маҳалла инфратузилмаси тубдан яхшиланди.**

Мисол учун, фуқаролар йиғинининг ўтган асрнинг 80-йилларида қурилган биноси меъморий жиҳатдан буткул янгича қиёфага келтирилди. Бунда мазкур маҳаллани «Янги Ўзбекистон»нинг «Янги маҳалласи» сифатида аҳолини жипслаштирадиган, уларнинг муаммоларига ечим топиши билан бир қаторда, бой тарихидан дарак берувчи ҳамда маданий ҳордиқ чиқарадиган маскан сифатида янгилашга киришилди. Натижада янгича шакл ва мазмундаги маҳалла маркази қад ростлади. Эйтиборлиси, маҳалла биносиди ҳудуднинг ўзига хос аънава ва қадриятларини келгуси авлодларга етказиш мақсадида Ўзбекистон тарихида биринчи мартаба нодавлат музей ташкил этилиб, Адлия вазирлигида рўйхатга олинди.

Шунингдек, ота-оналарнинг талаб ва истакларига асосан, маҳалла биносиди халқаро талабларга мос жиҳозланган алоҳида шахмат тўғараги хонаси ташкил этилди. Мажмуада ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2-сектор штаби ва ҳуқуқ-тартибот маскани жойлаштирилди ҳамда жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантуриш мақсадида 40 та замонавий видеокузатув мосламалари ўрнатилди.

**Қуйи тизимдаги манзилли ишлар натижаси маҳалламизда намён — тадбиркорлик ривожланиб, иш ўринлари кўпаймоқда.**

Хусусан, илгари фойдаланилмай ётган майдонда тикувчилик корхонаси барпо этилди. 30 нафардан ортиқ хотин-қиз ўз маҳалласиди ишли бўлди. Яқинда иш бошлаганига қарамай, корхона 100 мингта трикотаж маҳсулотлари учун буюртма олган. Шу билан бирга, тикувчилик кооперацияси ташкил этилган. Эйти-

борлиси, «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»даги 20 нафар ишсизларга бепул тикувчилик машинаси ажратилиб, кооперация аъзолигига қабул қилинди. Қолаверса, маҳалла ҳудудиди 6,2 гектар майдонда ташкил этилган кичик саноат зонасиди қатор бизнес лойиҳаларининг рўёбга чиқарилиши ортидан 200 га яқин иш ўрни яратилди. Бу билан маҳалламиз «ишсизликдан холи ҳудуд» мақомига эга бўлди.

**Давлат раҳбари бандлик соҳасиди амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берди.**

Қўшимча иш ўринларини яратиш, ёшлар, хотин-қизларнинг маҳалла-нинг ўзидан чиқмаган ҳолда бандлигини таъминлаш зарурлиги қайд этилди. Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш ҳудуд тараққиётига хизмат қилиши, оилаларга барака олиб кириши, ҳар инсоннинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига замин ҳозирлаши таъкидланди. Бу борда маҳалла фаолларининг ташаббускорлиги муҳим ўрин тутиши айтилди.

**Ободлик, бунёдкорлик ташаббуслари туфайли ҳудуднинг қиёфаси ҳам бутунлай ўзгарди.**

Маҳаллада 50 ўринли янги хусусий мактабгача таълим ташкилоти иш бошлади. Бу билан кўплаб ота-оналар, боғча ёшидаги болажонларнинг азалий орзуси ушалди. Аҳолининг бўш вақти мазмунли ўтиши учун «Отажонлар чойхонаси», кутубхона, спорт майдончаси, ҳаммом ва хиёбонлар ташкил этилган. Маҳалла маркази ҳудудиди қад ростлаган «Тадбиркорлар хиёбони»да «Кўр-газма маркази», «Тадбиркорларга хизмат кўрсатиш маркази», «Тадбиркорлар академияси» ўрин олган. Хонадонларни муқобил энергия

билан таъминлаш мақсадида аҳоли ўртасиди ўтказилаётган тарғибот тадбирлари ўз самарасини бермоқда. Жумладан, мутахассислар, банк ходимлари билан ҳамкорликда битта кўчадаги 78 та хонадон эгалари билан ўтказилган тарғиботдан кейин 34 та хонадон эгалари куёш панеллари ўрнатиш ишларини билдирди. Ҳозирда шу хонадонларга куёш панели ўрнатиш ишлари бошланган. Эйтиёждан ортиқ ҳар бир киловатт электр энергияси 1000 сўмдан давлат томонидан сотиб олинишини эшитган фуқароларда қизиқиш янада ортган. Тарғибот ишларини давом эттирган ҳолда, йил охирига қадар камида 200 та хонадонга куёш панели ўрнатиш режалаштирилган.

**Умуман олганда, бугун маҳалламиздаги ўзгаришлар фақатгина маъмурий бино-иншоотларда эмас, ҳар бир кўчада, ҳар бир оилада юз бермоқда.**

Файз-барака ҳар бир хонадонга кириб борди. Аёллар, ёшлар ишли бўлди. Энг муҳими, боқимандалик руҳи эгаллади. Энг муҳими, маҳалла аҳли ҳаётда содир бўлаётган бундай ўзгаришларга, ислохотларга бефарқ эмас. Ҳар бир маҳалла аҳли ўз ҳаётини яхши томонга ўзгартиришга, фаровон яшашига интилмоқда. Ташаббуслар ижроси ҳудуд аҳли турмуш тарзини кескин ўзгартириши, бугунги кундан завқланиб яшаши, уларда эртанги кунга бўлган ишонч ҳисси янада мустақамланишида катта аҳамият касб этмоқда.

**Раҳим ЖУМАЕВ, Бухоро туманидаги «Работиқалмоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**





# Маҳалланинг молиявий мустақиллиги кучайтирилади

**ОДДИЙ ОДАМЛАРНИНГ ЎЗ МУАММОСИГА МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗИДА ЕЧИМ ТОПИШ ИМКОНИАТИ ОРТАДИ, ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИНИНГ «ХАЛҚ ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ КЎПРИК» МАҚОМИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ**

Бугун ҳар қандай муаммонинг ечимини маҳалланинг ўзида топишга эътибор қаратиляпти. Жумладан, бандлик бўйича йиғинларда микромарказлар қуриляпти, тадбиркорлик учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Ижтимоий инфратузилмани яхшилаш мақсадида «Маҳалла бюджети» тизими жорий этилиб, айрим солиқлар маҳалланинг ўзида қолдириляпти. Одамларни қийнаётган бошқа масалалар бўйича фуқаролар йиғинларида сайёр қабуллар ташкил этиляпти, мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланяпти.

**Х**ўш, 2023 йилда бу борада яна қандай янгиликлар кутиляпти? Маҳалланинг молиявий мустақиллиги таъминланаётган экан, унинг ваколатлари янада кенгайдими? Мазкур тузилма ҳукумат ва аҳоли ўртасидаги кўприк вазифасини қай даражада бажара олади? Айни саволларга жавобни ҳозирда муҳокама учун қўйилган «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури»дан топиш мумкин.

**Маҳалланинг тўлиқ маълумоти шакллантирилади**  
Фуқароларнинг ўз маҳалласи ҳаётидаги иштирокини кучайтириш ҳамда давлат органлари ва маҳаллалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш борасидаги ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилади.

Бу борада ўзига хос янги тизим — «Рақамли маҳалла» марказини ташкил этиш ҳамда «Ижтимоий маҳалла» ахборот тизимини жорий этиш кўзда тутилган. Бунда маҳалладаги аҳоли ва тадбиркорларнинг мавжуд муаммо ҳамда камчиликларини «хонадонбай» ўрганиш бўйича сўровномаларни ўтказиш натижалари тегишли давлат органлари ва ташкилотларига юборилади ва кўрилган чоралар тўғрисидаги маълумотлар ахборот тизимига кириштирилади. Худди шундай, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»дагиларга кўрсатилган ёрдам

ҳақидаги маълумотлар ҳам ахборот тизимидан ўрин олади.

Маҳаллаларнинг худуди, майдони, инфратузилмаси, чегараси акс этган харитаси, хонадонларнинг жойлашуви, рақамлари ва кўча номларининг ягона базаси юритилади. Бу нега керак? Сир эмаски, маҳалла фаоллари яқин йилларгача ўз худудида яшайдиган фуқаролар сонини билгану, айрим ҳолларда маҳалла ҳақидаги умумий маълумотлар сўралса, қандай жавоб қайтаришни билмай қоларди. Чунки уларнинг қўлида фуқаролар йиғинига оид тўлиқ маълумотлар мавжуд эмас эди. Энди бунга чек қўйилади.

Қолаверса, «Ижтимоий маҳалла» ахборот тизими ҳамда «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали 40 турдаги маълумотларнинг ягона базасини юритиш назарда тутилмоқда. Бу — маълумотларни онлайн алмашиш, керакли ахборотни тезда излаб топиш ва янгилисини ўз вақтида киритиб бориш имкониятини яратди.

**Йиғинларга тадбиркорлик қилиш ҳуқуқи берилади... (ми?)**  
Жойларда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда маҳаллалар ролин ошириш чоралари янги босқичга кўтарилади.

Маҳаллаларга маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига кўриб чиқиш учун таклиф киритиш, Кенгашларнинг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этиш ҳуқуқи тақдим этилади. Бу амалда нима беради? Маҳалладаги «бешлик» — раис, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилатика инспекторининг вазифаси, ваколат доираси аниқ. Энди улар биргаликда худуддаги долзарб масалаларни Кенгашларга киритиши, тегишли қарорларнинг тизимга оид қисмида ўз мулоҳазаларини билдириши ва муҳокамаларда иштирок этиши мумкин.

Ҳар бир маҳалланинг «ўсиш нуқталари» ва уларда яшовчи аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, маҳалланинг молиявий мустақиллигини кучайтириш мақсадида маҳаллалар қошида тадбиркорлик субъектлари ташкил этилади. Амалдаги қонунчиликка

кўра, маҳалла — нодавлат-нотижорат ташкилот саналади. Тузилма тижорат билан шуғулланмаса-да, ҳозирда кўпгина ишлар ижтимоий шериклик асосида амалга оширилмоқда. Эндликда унинг молиявий мустақиллиги таъминланса, маҳалла қандайдир хизматларни кўрсатишда шартномалар асосида ҳисоб-рақамга пул тушириши, мазкур маблағларни худуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳолини қўллаб-қувватлаш ва маҳаллада ишловчи ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтириш имкони бўлади.

Лойиҳага кўра, маҳаллаларда «Тадбиркорлар кенгашлари» ташкил этилиб, уларнинг мақоми ва вазифалари белгиланади. Бу жиҳат тадбиркорликнинг айнан маҳаллаларга туширилаётгани, йиғинларда кичик тадбиркорлик субъектлари ортаётгани жараёнида муҳим аҳамият касб этади, албатта.

**2 327 та маҳаллага янги бино қурилади**

2023 йилда маҳаллаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари янада кенгайди.

Бу борада йиғинларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича 2023 йилга мўлжалланган манзилли дастур ишлаб чиқилади. Бунда хизмат биносида муаммоси бўлган 2 327 та маҳалла янги бинолар қуриш, жиҳозлаш, замонавий ахборот технологиялари билан таъминлашга эътибор қаратилади. Биноларни қуришда маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ҳамда профилактика инспекторлари учун алоҳида хоналар бўлиши ҳисобга олинади. Натижада жорий йилда биносиз йиғинлар сони салмоқли равишда камаёди, иш самарадорлиги ортади.

**«Маҳалла назорати» тизими йўлга қўйилади**

Жорий йилда давлат органлари устидан жамоатчилик назорати ўрнатишнинг замонавий шакллари жорий этилади.

Аслида, маҳалла азалдан жамоатчилик назоратида муҳим ўрин тутган. Бу институт қадимдан оқсоқоллар

Кенгаши кўринишида намоён бўлиб келган. Бу Кенгашлар маҳаллалардаги ободонлаштириш, аҳоли муаммоларини ҳал этиш, ўзини ўзи ҳимоя қилиш, ҳамisha оғоҳ ва ҳушёр бўлиш, фарзандлар тарбиясига лоқайд қарамаслик ва бошқа жамоат ишлари билан шуғулланадиган тузилма ҳисобланган.

2023 йилда айни йўналишда Президентнинг тегишли қарори имзоланиши кутиляпти. Бунда маҳалла раиси томонидан аҳоли эътирозларига энг кўп сабаб бўлаётган муаммоларни аниқлаш мақсадида мунтазам равишда муҳокамалар ўтказиб борилади. Ҳар ойда маҳалла кенгашида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг амалга оширилган ишлари бўйича ахборотлари эшитилади.

«Маҳалла назорати» ва «маҳалла раиси сўрови» институтлари жорий қилинади. Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар бериш, уларнинг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, эшитуви, мониторинги, экспертизасини ўтказиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш тартибларини жорий этиш назарда тутилади. Шу билан бирга, Халқ қабулхоналари ҳузурида таниқли ҳуқуқшунослар, маҳалла раислари, зиёлилар, ижодкорлар, журналистлар, ва блогерлардан таркиб топган «Халқ овози» жамоатчилиги кенгашлари фаолияти йўлга қўйилади.

Қолаверса, маҳалла институтининг жамият ҳаётида тутган ўрнини халқаро ҳамжамиятга етказиш мақсадида жорий йилда «Маҳалла институтининг Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қарор топишидаги ўрни ва роли: кеча, бугун ва эрта» мавзусида илмий-амалий конференция ҳамда «Маҳалла институтининг жамият ҳаётида тутган ўрни» мавзусида Халқаро форум ташкил этиш режалаштирилган.

Умуман олганда, 2023 йилда маҳалла тизимига оид қатор янги ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилади. Бу орқали тузилманинг мавқеи оширилиб, ваколатлари кенгайди. Оддий одамларнинг ўз муаммосига маҳалланинг ўзида ечим топиш имконияти ортади, фуқаролар йиғинининг «халқ ва давлат ўртасидаги кўприк» мақоми янада мустаҳкамланади.

**2023**

йилга мўлжалланган манзилли дастур ишлаб чиқилади. Бунда хизмат биносида муаммоси бўлган

**2 327**

та маҳалла янги бинолар қуриш, жиҳозлаш, замонавий ахборот технологиялари билан таъминлашга эътибор қаратилади.



## Бир ҳафтада 7 мингдан зиёд масала ҳал этилди



**РЕСПУБЛИКА ИШЧИ ГУРУҲИ ЎРГАНИШЛАРИ ДАВОМИДА 725 НАФАР ФУҚАРОНИНГ БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИЛДИ. 258 НАФАР ФУҚАРО ДОИМИЙ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИЛДИ, 249 НАФАРИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИЛДИ, 218 НАФАРИ ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ**

Жорий йилнинг 13-21 февраль кунлари Президент Администрацияси, Халқ қабулхонаси, йигирмага яқин вазирлик ва идоралар, сектор раҳбарларидан иборат Республика ишчи гуруҳи Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги 62 та маҳаллада 44 мингдан зиёд хонадонлар, 443 та объектларда ўрганишлар олиб борди. Аниқланган 10 мингдан ортиқ муаммоли масалаларнинг қарийб 7,5 мингга яқини жойида ҳал этилди, 3 мингга яқини назоратга олинди.

Ўрганишлар давомида асосий эътибор — ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш, ишсиз аҳолини доимий иш билан таъминлаш, даромадини оширишга қаратилди. Бу билан ҳудуднинг ўсиш «драйвер»ларидан келиб чиқиб, лидер тадбиркорлар фаолиятини кооперация алоқалари орқали аҳолининг ишсиз қатламига бириктириш ва бандлигини таъминлашга эришилди.

Туманда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 6,2 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилгани 235 нафар фуқарони ўз тадбиркорлигини бошлаши учун катта имконият бўлди.

Янги тизим асосидаги аҳоли муаммолари билан ишлашда халқни ўйлантириб келаётган ички йўллар таъмири, электр энергияси, газ ва ичимлик сув таъминоти билан боғлиқ энг бирламчи ҳаётий масалаларга ечим топиш чоралари кўрилди. Бу жараёнда 91,7 км. ички йўллар шағаллаштирилди, 2 км. йўлга асфальт ётқизилди.

Ўрганишлар давомида 12 та ҳудудда трансформаторлар янгиланди, 32 таси таъмирдан чиқарилди, 474 дона бетон устунлар ўрна-

тилди, 13,2 км. янги электр кабели тортилди. Масалан, «Чақар» маҳалласининг Хўжамурод қишлоғида йилдан-йилга аҳоли сонининг ортиб бориши натижасида турли узиллишлар кузатилаётгани, қўшимча равишда трансформаторни ўзгартириш лозимлиги аниқланганди. Шундан сўнг, 30 дан ортиқ қўлбола симёғочлар темир-бетон таянч устунларга алмаштирилди. 160 киловаттли янги трансформатор хисобига энди 138 та хонадон электр энергия таъминотидаги муаммодан батом халос бўлди.

Республика ишчи гуруҳининг ўрганишлари натижасида 2 та сув узатиш станцияси созланиб, 7 км. сув қувури ётқизилди, 8,5 км. сув қувурини ётқизиш ишлари давом эттирилмоқда. «Шейхларкент» маҳалласида 34 та хонадонни тоза ичимлик сув билан таъминлаш ҳаракати бошланди. 20 йилдан буён бу борада мурожаат қилиб чарчаган фуқароларнинг хонадонига оби-ҳаёт кириб борадиган бўлди.

Шунингдек, Иштихон туманининг «Тўпор», «Намуна», «Шайхислом», «Қайирма», «Йўғонтепа», «Миршор», «Зарбанд», «Аза-

мат», Фофур Фулом номидаги маҳаллаларида 6 та сув иншоотларини қуриш, 16,2 км. ичимлик сув тармоғини тортиш ишлари амалга оширилмоқда. Натижада ушбу маҳаллаларда яшовчи 3 мингга яқин аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланиб, 1 250 нафар аҳоли илк бор марказлашган тоза ичимлик сув билан таъминланади.

Ўрганишлар доирасида тумандаги ижтимоий соҳа объектлари, таълим муассасаларининг аҳволи, моддий таъминотидаги муаммолар кўриб чиқилди. Натижада 5 та мактабга 50 дона бадий адабиётлар тўплами берилган бўлса, 2 та мактабга 21 млн. сўмлик электрон доска ва қуввати 15 кВт. бўлган қуёш панели ўрнатилди. 12 та мактабга 119 млн. сўмлик, 2 та мактабга таълим ташкилотига 124 млн. сўмлик зарурий жиҳозлар ва ўқув парталари топширилди. 5 та мактабнинг электр кабеллари таъмирланди, 1 тасида янги қозонхона қурилди. 149 нафар эҳтиёжманд оилалар фарзандлари мактабга таълим ташкилотига имтиёзли равишда қабул қилинди.

Республика ишчи гуруҳи ўрганишлари давомида 725

«Иштихон» маҳалласида ўтказилган «Бўш иш ўринлари ярмарка»сида 96 нафар фуқаро ишли бўлди. 90 нафар ишсиз фуқарога 623 млн. сўмлик тикув машиналари, мотокультиваторлар тарқатилди. 349 нафар «Ёшлар дафтари»даги ёшларга 514,2 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

нафар фуқаронинг бандлигига кўмаклашилди. 258 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилди, 249 нафари касб-ҳунарга йўналтирилди, 218 нафари ўзини ўзи банд қилиши бўйича давлат рўйхатидан ўтказилди. «Иштихон» маҳалласида ўтказилган «Бўш иш ўринлари ярмарка»сида 96 нафар фуқаро ишли бўлди. Бундан ташқари, 90 нафар ишсиз фуқарога 623 млн. сўмлик тикув машиналари, мотокультиваторлар тарқатилди. 349 нафар «Ёшлар дафтари»даги ёшларга 514,2 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари топшириги асосида тузилган Республика ишчи гуруҳининг Иштихон туманидаги ўрганишлари хонадонларга қариб бориш, одамларни ўйлантириётган масалаларни энг бирламчи нуқтада аниқлаб, уларга ечим топишда муҳим аҳамият касб этди. Ҳудудда аниқланган муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва ҳал этиш мақсадида аниқ молиялаштириш манбалари, ижро муддатлари ва «йўл харитаси» ишлаб чиқилди.

Мансур АБДУСАТТОРОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Сирдарёлик аёллар Фарғона тажрибасини ўрганди

Сирдарё ва Фарғона вилоятлари маҳаллалари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик асосида бир гуруҳ сирдарёлик хотин-қизлар фаоллари, тадбиркорлар Фарғона вилояти йиғинларидаги илғор тажрибалар билан танишди.



Дастлаб меҳмонлар Риштон туманидаги Муҳайё Сатторова, Равшан Тожиддинов, Шокиржон Аҳмаджоновлар фаолият юритаётган хунармандчилик марказларида бўлди. Бу ердаги иш тажрибалари билан танишиб, фикр-мулоҳаза алмашилди.

Кейинги манзил Марғилон шаҳри — «Оролбўйи» ва «Чорчинор» маҳалла фуқаролар йиғинида сирдарёлик меҳмонлар «Аёллар дафтари»нинг 3-босқичига киритилган, айни дамда ўз тадбиркорлигини бошлаб олган хунармандлар хонадонига ташриф буюрди.

Данғара туманидаги маҳорат сабоқларида оилавий ишлаб чиқариш корхоналарида ишчиларга яратилган шарт-шароитлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг харидоргир-

лиги хусусида суҳбатлашилди.

Биламизки, Фарғонанинг аксарият маҳаллаларида томорқачилик оила даромадининг муҳим асоси ҳисобланади. Улар қафсда ердан оқилона фойдаланиб, тўрт фаслда турли сабзавотлар етиштирмоқда. Меҳмонлар туманлардаги миришкор оилаларнинг томорқачиликдаги иш услуби билан ҳам танишиб, зарур маслаҳатлар олди.

Қўқон шаҳри бўйлаб уюштирилган сафар давомида «Бунёдкор» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи хунарманд Саодатхон Жўраева хонадони ва кундалик иш жараёни кўздан кечирилди.

Мухбиримиз.



# «Аввал маълумотнома эди, энди далолатнома талаб қилишяпти»

**ЯНГИЛИККА ИНТИЛУВЧАНЛИК РУҲИ, ОДАМЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШГА БЎЛГАН ХОҲИШ БАЪЗИ ҲОЛЛАРДА СЕЗИЛМАЯПТИ. ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАРҒИБОТЛАР ЭСА ФАҚАТ ҚОҒОЗЛАРДА ҚОЛИБ КЕТАЁТГАНДЕК...**

«Арзимасдек туюлса-да, аҳоли учун жуда муҳим бир ҳолат ҳақида ёзмоқчиман. Президент фуқароларга энгиллик яратиш, қоғозбозликни камайтириш мақсадида давлат идоралари томонидан талаб қилинадиган айрим маълумотномаларни бекор қилишга қаратилган қатор ҳужжатларни имзолади. Хусусан, маҳалладан бериладиган 20 дан зиёд маълумотномалар бекор қилиниб, уларни онлайн платформалар орқали олиш имконияти яратилди.

Бироқ ҳали-ҳануз айрим давлат идоралари томонидан қонунчиликка зид равишда ҳужжат талаб қилиш ҳолатлари учраб турибди. Илгари фуқаролар маълумотнома сўрашган бўлса, энди далолатнома ёзиб беришимизни талаб қилишяпти. Мисол учун, мактаб ёки боғчага болани жойлаштираётганда уларнинг оиласи номли дафтарларда турадимиз, кам таъминланганми, оилалар таркиби ҳақида далолатнома сўрамоқда. Худди шундай, шифохона, ҳокимлик, ички ишлар органлари, коммунал ташкилотлар ҳам оилалар таркиби, яшаш ҳолати тўғрисида ҳужжат талаб қилишяпти. ФХДЁ бўлими ўн йиллар олдин вафот этган ва базадан ўчмай қолган фарзандлар учун далолатнома сўраётганига нима дейсиз. Ваҳоланки, буларнинг

барчаси ўзаро онлайн платформалар орқали алмашилиши керак.

Ёки бўлмаса, фуқароларнинг мурожаатлари бўйича ижрога масъул идоралар мурожаат муаллифини кўндиролмасан, ўзаро келиша олмасан, яъни рози қила олмасан ёки фуқарони манзилдан топа олмасан, дарров маҳалладан далолатнома тузиб беришни сўрашади. Маҳалла далолатномачи, аниқроғи, далолатнома тузувчи идорага айланиб қоляпти.

Биз уларга бундай ҳужжат бериш мумкин эмаслигини айтиб қайтарсак, ўртада яна оддий одамлар сарсон бўляпти, беҳуда вақт ўйқотяпти. Президент аҳолига қулайлик яратишни мақсад қилишяпти, лекин кўпгина идоралар эскича ишлашдан воз кеча олмаяпти, фармон ва қарорлардан кўзланган асл мақсадни, мазмун-моҳиятини тушунмаяпти. Оқибатда яна фуқаролар аввалгидан-да кўпроқ қийналмоқда, «отанга бор, онанга бор» қабилда иш тутуляпти. Айрим ўринларда идораларро ҳужжат алмашиш ишлари ўлда-жўлда қоляпти.

Айни масалалар юзасидан туман адлия бўлимига айрим ташкилот ва идоралар раҳбарларининг ҳуқуқий тушунчаси, саводхонлиги пастлиги сабабли фуқаролар қийнаётгани, керак бўлса, уларга тушунтириш

бериш, семинарлар ташкил этиш, ноқонуний ҳужжат талаб қилаётган раҳбарларни жазолаш чораларини кўриш лозимлиги бўйича мурожаат қилдим. Адлия ходимлари маълумотномаларни талаб қилиш қонунга зидлигини таъкидлаб: «Сизга қайси идора бирор ҳужжат беришни сўраса, ёзма равишда хат беришни талаб қилинг» дейишди. Очиғи, фуқарони шундай деб қайтарсак, яна у бўзчининг моқисидек идорама-идора сарсон бўлади, раҳбарларни кутиб, эшик олдида сарғаяди.

Хуллас, Президент фармон ва қарорларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик ҳали-ҳануз тўлиқ англаб етмаяпти, улар тегишли идора масъул раҳбарларидан ҳужжатлар ижросини талаб қила олмаяпти. Бундан фойдаланган баъзи раҳбарлар фуқароларга билганича талабларни қўймоқда. Бу масала майда кўринса-да, охир-оқибат оддий фуқаролар олдингидан-да кўпроқ қийналиб, бюрократик талаблар ва қоғозбозликдан азоб чекишига олиб келади.

**Юқоридагилар — Сурхондарё вилояти Кизирик туманидаги «Работак» маҳалласи раиси Абдуғаффор Шодмоновнинг газетамиз телеграм каналига жўнатган мурожаатидан парча...**

**Президент фармон ва қарорларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик ҳали-ҳануз тўлиқ англаб етмаяпти, улар тегишли идора масъул раҳбарларидан ҳужжатлар ижросини талаб қила олмаяпти. Бундан фойдаланган баъзи раҳбарлар фуқароларга билганича талабларни қўймоқда.**



## Ёндашув ўзгармаса, ёлғонга қоришамиз

Ростдан, авваллари турли ҳаётий вазиятларда фуқаролар маҳалладан бериладиган маълумотномаларни олиши талаб этиларди. Уларнинг сони 51 тадан ошарди. Бироқ амалиётда бундай маълумотнома ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатларни бериш тартиби ҳаддан зиёд бюрократлаштирилган, баъзи ҳолларда уларни бериш учун ноқонуний тўлов олиш ҳоллари кузатилиб, фуқароларнинг асосли эътирозига сабаб бўларди.

хабарлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Оқибатда бюрократия, сансалорлик, «югур-югур»ларнинг олдини олиш учун яратилган тизим айнан шундай ҳолатларга йўл очмоқда.

Тан олиш керак, айрим мутасаддилар ҳануз эскича ёндашувлардан воз кеча олмаяпти. Техника асрида яшайамиз, деймиз, оддийгина компьютерни тармоққа ёки базага улашга ҳафсала қилинмайди. Янгиликка интилувчанлик руҳи, одамларга қулайлик яратишга бўлган хоҳиш баъзи ҳолларда сезилмаяпти. Ҳуқуқий саводхонликни оширишга қаратилган тарғиботлар эса фақат қоғозларда қолиб кетаётгандек.

Демак, қайсидир соҳада янги тизим, аҳолига қулайлик яратилар экан, бунда, аввало, ўша соҳа мутасаддиларининг ҳуқуқий билимларини ошириш зарур. Уларда дахлдорлик туйғусини кучайтириш лозим. Ходим устиде ишламаса, йўналишига доир ўзгаришларни, янгиликларни кузатиб бормаса, у бир нуқтада қотиб қолиши тайин. Оқибатда яна фуқаролар сарсон бўлаверади...

Қачонки, ҳар ким ўз ишига масъулия билан ёндаша, ортиқча оворагарчиликларга ўрин қолмайди. Юқоридаги масала бўйича ҳам шу гапни айтиш мумкин. Тегишли ташкилотлар ўз вазифаларини тўлақонли амалга оширсан, янги тизимлардан самарали фойдаланса, ўз фаолиятини, энг аввало, халққа қулайлик яратамиз, деган ёндашув билан олиб борса, ортиқча тушунмовчиликлар барҳам топади, одамлар қайсидир ташкилотлар эшиги олдида сарғаймайди, энг муҳими, давлат идоралари ҳақиқатда халқ учун ишлашига ишонч ортади.

**Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.**

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

## «Ташаббусли бюджет»га нечта муаммо киритиш мумкин?

**«Ташаббусли бюджет»га лойиҳасида бир таклифда бир нечта муаммо киритиш мумкинми?**

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2022 йил 30 июндаги тегишли қарорига асосан, **таклиф мазмунан ягона ижтимоий муаммони ўзида акс эттириши** лозимлиги белгиланган. Шундай экан, фуқаролар томонидан бир таклифда бир нечта муаммоларнинг киритилиши ушбу таклифнинг модерациа босқичида **рад этилишига** сабаб бўлиши мумкин.

Мисол учун:

«Тошлоқ тумани «Катта кўча» маҳалласи ички йўлларини таъмирлаш ва ичимлик сув таъминотини яхшилаш».

«Тошлоқ тумани «Катта кўча» маҳалласи ички йўлларини таъмирлаш».

**Хўш, унда маҳаллардаги бир нечта муаммоларни қандай бартараф этиш мумкин?**

Бундай ҳолатда маҳаллардаги ҳар бир муаммо бўйича алоҳида ташаббускор фуқаролар томонидан лойиҳалар **алоҳида қилиб киритилиши** ёки овоз йиғишда қийинчилик бўлмаслиги учун «Ташаббусли бюджет» лойиҳасининг ҳар бир мавсумида биттадан муаммони таклиф сифатида киритган ҳолда **муаммоларни босқичма-босқич ҳал этиш** мақсадга мувофиқ.



# «Ойига 1 МИЛЛИАРД сўм даромад топяпман»

БУГУН МАҲАЛЛАЛАРДА БЕРИЛАЁТГАН ИМТИЁЗЛАРДАН ТЎҒРИ ФЙДАЛАНИБ, КАТТА ДАРОМАД ТОПАЁТГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎПЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. БАЛКИ ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИ ОЙИГА 1 МИЛЛИАРД СЎМ ДАРОМАД ТОПИБ, 50 НАФАРГА ЯҚИН МАҲАЛЛАДОШЛАРИНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА, ДЕСАК ИШОНМАССИЗ. АММО БУ – ҲАҚИҚАТ



**А**ндижон вилоятида 1 миллион 600 минг нафар аёл истиқомат қилади. 2022 йилда уларнинг барчаси «Hotin-qizlar.uz» платформасига киритилди. «Маҳаллабай», «Фуқаробай» ўрганишлар натижасида 104 мингдан зиёд муаммолар аниқланиб, 100 мингга яқини ҳал этилди.

...«Маҳсулотларим нархи 40 мингдан 200 минг сўмгача баҳоланади. Ўртачасини олиб, масалан, 100 минг сўмдан ҳисобласак ҳам, кунига 30 миллион, бир ойда салкам 1 миллиард даромад топяпман. Маҳсулотлар сони ва сифатини янада яхшилашимда маҳалла менга доимо ёрдам бериб келмоқда»...

Этиборлиси, 27,2 фоиз ёки 444 минг нафар аёл давлат ва жамият бошқарувида фаолият юритмоқда. «Аёллар дафтари»нинг 3-босқичига 63 минг нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар киритилиб, бугунга қадар уларнинг 62 минг 754 нафари, яъни 99,6 фоизи тоифасига асосан муаммоси ҳал этилди. Уй-жойга муҳтож 427 нафар хотин-қиз янги хонадонга эга бўлиб, 548 нафарига тураржой учун ижара компенсацияси тўлаб берилди. 647 нафарининг уй-жойлари таъмирланди. Бундан ташқари, 54 мингдан зиёд хотин-қизлар ишга жалб этилди. Шундан мавжуд бўш иш ўринларига жойлаштирилганлар 12 минг 424 нафар, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жойланганлар 10 минг 258 нафар, субсидия ажратиб

бериш орқали бандлиги таъминланганлар 5 минг 620 нафар, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтганлар 6 минг 849 нафар, ўзини ўзи банд қилганлар 19 минг 158 нафарни ташкил этади.

Бу рақамлар шунчаки статистика эмас. Чиндан ҳам, бугун маҳаллаларда берилаётган имтиёزلардан тўғри фойдаланиб, катта даромад топяётган хотин-қизлар кўпчилигини ташкил этади. Балки қишлоқ аёллари ойига 1 миллиард сўм даромад топиб, 50 нафарга яқин маҳалладошларини бандлигини таъминламоқда, десак ишонмасиз. Аммо бу – ҳақиқат. Масалан, Олтинқул туманидаги «Бўстон» маҳалласида бу борада ўзига хос тажриба тўпланган. Худуд аҳолиси, айниқса, аёллар бандлигини таъминлашда яхши натижаларга эришмоқда.

– Маҳалламизда аҳоли сони 3 минг 347 нафар бўлиб, шундан 1 минг 502 нафари аёлларни ташкил қилади, – дейди маҳалла хотин-қизлар фаоли Хуршида Рустамова. – 2022 йилда уйма-уй юриб, ўтказилган хатлов давомида 53 нафар ишсиз хотин-қиз аниқланган бўлса, йил якунида уларнинг барчаси ишга жойланди. Масалан, маҳалладаги кўрпа-тушак ишлаб чиқарувчи тадбиркор Камола Норматовага 10 нафар, Оязимхон Акимхўжаевага 12 нафар ишсиз аёлларимиз бириктирилиб, бандлиги таъминланди. Ҳоким ёрдамчиси Э.Низомов ташаббуси билан 4 нафар хотин-қиз тикув машинаси билан таъминланган бўлса, 2 нафарига иссиқхона қуриб берилди. 6 нафари имтиёзли кредитлар ҳисобидан тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Яна 10 нафар аёл касаначилик йўналишида иш ўрнига эга бўлди. Бундан ташқари, 25 нафар аёлга 10 сотихдан ер майдонлари ажратилди. Иродахон Ибрагимова пишириқ це-

ҳида 4 нафар хотин-қизни ишли қилди.

Маҳалладаги янги иш ўринлари яратилиши жараёни билан танишганимизда биргина Камола Норматова хонадонидан кичик тадбиркорликни йўлга қўйиб, катта ютуқларга эришаётганига гувоҳ бўлдик.

– Фаолиятимни 15 йил аввал йўлга қўйганман, – дейди Камола Норматова. – Ўшанда кичик чеварчиликдан бошланган қизиқиш аста-секин профессионал тадбиркорликка ривожланиб борди. Дастлабки йиллари кунига 50 та маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсам, бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб борди. Ҳозирда ҳар куни камида 300 та тайёр маҳсулот ишлаб чиқараман. Тўғри, фаолиятимнинг илк пайтлари осон кечмаган. Гоҳида хомашё топсам, ишчи кучи етишмасди, ишчи топсам, маҳсулотга харидор топилмасди. Бугун эса харидорлар ўзлари келишади. Маҳсулотларим нархи 40 мингдан 200 минг сўмгача баҳоланади. Ўртачасини

олиб, масалан, 100 минг сўмдан ҳисобласак ҳам, кунига 30 миллион, бир ойда салкам 1 миллиард даромад топяпман. Маҳсулотлар сони ва сифатини янада яхшилашимда маҳалла менга доимо ёрдам бериб келмоқда. Масалан, ишимни янада кенгайтириш учун 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит олишимда кўмаклашилди. Бу маблағга 6 та тикув машинаси сотиб олдим. Натижада иш унумдорлиги янада ошди.

Этиборлиси, Камола Норматова шунингдек, маҳалласидаги 20 та хонадонга касаначилик асосида хом ашё етказиб бермоқда. Бу орқали улар меҳнатларига яраша ҳақ олмақда.

Бир сўз билан айтганда, «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ва йиғин мутахассислари ҳамкорлиги камбағалликни қисқартириш, ишсизликни олдини олишда самарали восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Хайрулло  
АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## «Бешлик» аҳолига ҳисоб берди

Худудларда маҳаллалардаги «бешлик» фаолияти сарҳисоб қилиниб, уларнинг фуқаролар олдига ҳисоботи тингланмоқда. Жумладан, Қўрғонтепа туманидаги Ибн Сино номидаги маҳаллада йиғин раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ҳамда ёшлар етакчиси илк мартаба биргаликда йиллик ҳисобот топширди.



Соҳа вакиллари ўзларининг фаолияти давомида асосий вазифалари нималардан иборат экани ва маҳаллада амалга оширилган ишлари, эришилган ютуқлари ва шу билан бирга, йўл қўйилган камчиликлари бўйича фикрлашилди.

– Барчамиз алоҳида-алоҳида кўргазмали тарзда ишимизни намойиш этдик, – дейди маҳалла раиси Азимжон Аҳмедов. – Ҳисоботни аввал маҳалланинг ўзида ўтказганмиз. Ишимиз маъқул келиб, навбатдагисини тумандаги барча маҳалла ходимларига намуна сифатида кўрсатишимиз сўралди. Этиборлиси, ҳисоботдан кейин фуқаро-

лардан яна бир қанча таклифлар келиб тушди. Жумладан, оқова сув муаммосини ҳал этиш, кўчаларни асфальтлаш каби муаммоларга ечим топишни 2023 йил режамизга киритдик.

Тадбир якунида ёшлар етакчиси ташаббуси билан фидокор маҳалла фаоллари ҳамда етакчи томонидан ташкил қилинган «Yoshlar.uz» телеграм каналида ўтказилган «Иқтидорингни намойиш эт» деб номланган кўрик-танлов ғолиблари қимматбаҳо совға ва дипломлар билан тақдирланди.

Мухбиримиз.



МАҲАЛЛА АҲЛИНИНГ 55 НАФАРИГА 1 МЛРД. 669 МЛН. СЎМ МИҚДОРДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР АЖРАТИЛДИ, ЎҚИШ ИСТАГИНИ БИЛДИРГАН 35 НАФАР ФУҚАРОГА ТАВСИЯНОМАЛАР БЕРИЛДИ. 67 НАФАР ФУҚАРО ДОИМИЙ ҲАМДА МАВСУМИЙ ИШЛАРГА ЖОЙЛАШТИРИЛДИ, 91 НАФАРИГА ЕР АЖРАТИЛДИ



## «Янги қадам» тадбиркорликда пешқадам

**Б**угун маҳаллалар обод бўлиш билан бир қаторда ишсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож, «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилганларнинг бандлиги таъминланаётгани фоят қувонарли. Мисол учун, Боғот туманидаги «Янги қадам» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 5 485 нафар фуқаронинг 324 нафари ишсиз, моддий кўмакка муҳтож эди. Ҳозирда уларнинг 231 нафарининг бандлиги таъминланиб, оиласига қўшимча даромад киритмоқда.

Айтиш керакки, фуқаролар йиғинида ҳоким ўринбосари кўмаги билан моддий кўмакка муҳтож, оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган фуқароларнинг 55 нафарига 1 млрд. 669 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилиб, бандлиги таъминланди. Уқиш истагини билдирган 35 нафар фуқарога керакли тавсиялар берилиб, бандликка кўмаклашиш маркази томонидан тикувчилик йўналиши бўйича 17 нафар, компьютер технологиялари бўйича 11 нафар, қурилиш-монтаж ишлари бўйича 2 нафар фуқаро ўқитилиб, мутахассислиги бўйича ишга жойлашишига кўмаклашилди.

Шунингдек, ишлаш истагини билдирган фуқароларнинг 67 нафари доимий ҳамда мавсумий ишларга жойлаштирилди. Ишсиз юрган фуқароларнинг 91 нафарига 10 йил муддатга деҳқончилик билан шуғулланишлари учун 13,5 гектар ер майдонлари ажратилиб, бандлиги таъминланди. Бунинг ортидан улар оиласи даромадига қўшимча даромад киритиб, кичик бўлса-да, ўз бизнесларини йўлга қўйишига кўмаклашилмоқда.

— Маҳалла ҳудудида жами 26 та тадбиркорлик субъекти мавжуд бўлиб, ишлаш истагида бўлган, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларнинг 32 таси иш билан таъминланди, — дейди «Янги қадам» маҳалласи раиси **Ойбек Бектурдиев**. — «Олма пиш — оғзимга туш», деб ўтираверсак, кимдир келиб муаммоларимизни ҳал қилиб бермайди. Биз йиғинда истиқомат қилувчи фуқароларнинг яхши ҳаёт кечирishi учун туну кун тер тўкмоғимиз керак. Шундагина одамларнинг яшаш шароити яхшиланиб, оиласи даромадига қўшимча ҳисса қўшилади, яшашга бўлган иштиёқи ортади.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғинида номли дафтарларга киритилганлар эътибордан четда қолаётгани йўқ. Ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан «Ҳар бир оила — тадбиркор», «Ёшлар — келажгимиз» каби дастурлар асосида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун талабгорларга имтиёзли кредит маб-

лағлари, субсидиялар ажратилди. Бу маблағлар ҳисобига йиғинда иссиқхона, сартарошхона, новвойхона, автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчалари, тикувчилик корхоналари ташкил этилди.

Найман бўйи кўчасида яшовчи Гулчеҳра Раҳмонова субсидия асосида нон қориш ускунасини олиб, оилавий новвойчилик бизнесини йўлга қўйди. Ҳозирда у аҳолига нон маҳсулотларини етказиб бериш орқали оила даромади ўсишига ҳиссасини қўшмоқда. Ёш тадбиркор кўчасида яшовчи Мансур Отажонов ажратилган 15 сотих ердан унумли фойдаланган ҳолда картошка, пиёз, сабзи, шолғом ва бошқа полиз маҳсулотларини етиштириб, бозорлар тўқинлигини таъминламоқда. Бунинг орқасидан оиласига йилига қўшимча 41 млн. сўм миқдорда даромад киритмоқда. Хива кўчасида истиқомат қилувчи Рўзигул Аннакова ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан субсидия асосида ўз уйида тикувчилик фаолиятини йўлга қўйган.

— Маҳалламизда новвойхона йўқлиги сабабли одамлар кўшни маҳаллалардан нон маҳсулотларини олиб келишарди, — дейди **Гулчеҳра Раҳмонова**. — Шу боис ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан субсидия асосида нон қориш ускунасини олиб, ўз уйимда новвойхона фаолиятини йўлга қўйдим. Даромадимиз яхши. Келажакда тадбиркорлигимни янада кенгайтириб, маҳалладаги эҳтиёжманд оилаларни иш билан таъминлаш орқали нон маҳсулотларини бозорларга чиқаришни режа қилганман.

Бугун маҳаллага кирсангиз, биронта бўш юрган одамни кўрмайсиз. Сабаби ёшу қари бирдек ҳалол меҳнат ортидан оила даромади ўсишига ҳисса қўшмоқда. Бир сўз билан айтганда, маҳалла аҳли ўзларига қулай турмуш шароитини яратиш учун ҳаракат қилмоқда. Маҳалла раиси билан ҳоким ёрдамчиси уларнинг ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлашда фаоллик кўрсатмоқда.

Мансурбек ЖАББОРОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Қулқудукда сайёр қабул ўтказилди

Навой вилоятининг олис Учқудук туманидаги Кулқудук овул фуқаролар йиғинида аҳоли ва ёшларнинг муаммоларини ўрганиш ва ечим топиш мақсадида сайёр қабул ўтказилди.

100 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этган тадбирда ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз йигит-қизларни қийнаб келаётган муаммолар, уларни тадбиркорликка жалб қилиш орқали бандлигини таъминлаш, кредит ва субсидиялар бериш, ўқиш истагида бўлганларини касб-ҳунарга ўқитиш масалалари атрофлича ўрганилди.

Қабулда Алимжон Примқулов, Умитхат Алиакбарова мурожаатлари ўрганилиб, шу ернинг ўзида Б.Примқулов туман электр таъминоти корхонаси овул бўлимига электр устаси, У.Алиакбарова овул фуқаролар йиғинига ишга қабул қилинадиган бўлди. Шунингдек, очик мулоқотда Гулзат Оразимбетова, Лайло Жайсанова,

Жанна Оринбасарова ва Марат Аймахановларнинг контракт пуллари тўлаб берилади.

— Иш сўраб бормаган жойим қолмади, — дейди **Алимжон Примқулов**. — Туманимиздаги касб-ҳунар коллежини электр устаси йўналиши бўйича тамомлаганман. Кўп йиллардан буён мутахассислигим бўйича ишга жойлаша олмадим. Сайёр қабул ўтказилгани мен учун аини муддао бўлди. Чунки туман ҳокими тавсияси билан электр таъминоти корхонасига ишга жойлашдим.

Қабул давомида овулда истиқомат қилувчи кўплаб йигит-қизларнинг муаммолари ўрганилиб, жойида ҳал қилинди.





ҲАР БИР МАҲАЛЛАНИНГ «ЎСИШ НУҚТАСИ» ДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЛОЙИХАЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. БУ, ЎЗ НАВБАТИДА, АҲОЛИНИ, БИРИНЧИ ГАЛДА ИШСИЗ ЁШЛАР ВА АЁЛЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИАТЛАРИНИ ОШИРМОҚДА



## Асосий эътибор — иш ўрни яратишда

**Б**ахмал туманида умумий қиймати 10 миллиард сўмлик бўлган гидропоника усулидаги иссиқхона барпо этилгани ҳудуд иқтисодий тараққиёти, шунингдек, янги иш ўринларини яратилишига асос бўлди.

Иссиқхонада доимий иш ўрни 15 тага етган бўлса, мавсумий даврда 60 нафардан ортиқ фуқаролар бандлиги таъминланади. Аҳамиятлиси, ушбу иссиқхонанинг иш бошлаши натижасида «Оқтош» маҳалласидаги аҳоли доимий иш ўрнига эга бўлди.

— «Драйвер» имиз қишлоқ хўжалигига ихтисослашган бўлгани учун узумчиликка, чорвачиликка кредит ажратиб бердик, — дейди маҳалла раиси **Урозли Седалов**.

— 30 нафар фуқарога деҳқон хўжалиги ташкил этиш мақсадида 0,5 гектардан 15 гектар ер ажратганмиз. Улар «Фарғона тажрибаси» асосида узумчиликка ихтисослашган тадбиркорликни йўлга қўйишди. 2022 йилда хатлов натижасига кўра, 182 нафар ишсиз фуқаро аниқланган эди. Ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликдаги ишлар натижасида уларнинг 104 нафари доимий иш ўрнига, қолганлар эса мавсумий ишга эга бўлди. Масалан, ўтган йил давомида ҳудудимизда 42 та тадбиркорлик субъекти ташкил этиб, 50 нафар аҳоли бандлигини таъминлади.

Шунингдек, маҳалламизда 10 та иссиқхона ташкил этилиши натижасида яна 10 та иш ўрни пайдо бўлди. Иссиқхоналарнинг 5 тасида лимон, 5 тасида помидор,

бодринг етиштириляпти. Маҳаллий тадбиркор Зафар Холбўтаев автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолиятини йўлга қўйиб, 7 та доимий иш ўрни яратди. Етти нафар кам таъминланган хотин-қизга субсидия ҳисобига тикув машинаси олиб берилганидан кейин улар ҳам доимий даромадга эга бўлди. Ҳозирда оиладан ажралмаган ҳолда буюртмага маҳсулот тикиб, сотишмоқда.

Шунингдек, тумандаги «Қутлугубод» маҳалла фуқаролар йиғинида Худойбердиевлар оиласи ташаббуси билан хонадонда ихчам иссиқхона барпо этилди. Бунда, албатта, маҳалланинг кўмаги ва қўллаб-қувватловининг ҳиссаси катта бўлди. Айни пайтда оила аъзолари қулупнай парваришга, мўл ҳосил етиштирмоқда. Бу борада улар қўшни Самарқанд вилоятига бориб, тажриба ва малака ошириб қайтишди. Тоҳир ота Худойбердиевнинг сўзларига қараганда, қулупнай парвариши орқали яхшигина даромад олиш мумкин.

— Ҳар бир иш бошланишида осон бўлмайди, — дейди **Т. Худойбердиев**. — Дастлабки иш кунларида биз ҳам қийналдик. Аста-секин тажриба ошириб, соҳанинг нозик сирларини ўр-

гандик. Албатта, бунда бизга маҳалла катта ёрдам берди. Уларнинг қўллаб-қувватлови билан 30 миллион сўм кредит олдик. Умумий ҳисобда 70 миллион сўм сарфладик. Мана ҳозир қулупнайларимиз бир текисда ривожланмоқда. Биринчи ҳосил ҳар тупидан 400-450 граммни ташкил этса, иккинчи ҳосил 1 килограммдан ортади.

«Қутлугубод» маҳалласида яқин вақтга қадар аҳолининг асосий даромад манбаи қишлоқ хўжалиги ва томорқачилик саналган. Эндиликда ҳудудда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳалари жадал ривожланмоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларни камбағалликдан чиқаришга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳар бир маҳалланинг «Ўсиш нуқтаси» дан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бу ўз навбатида аҳолини, биринчи галда ишсиз ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш имкониятларини оширмоқда.

Хайрулло  
АБДУРАҲМОНОВ.

Ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликдаги ишлар натижасида уларнинг 104 нафари доимий иш ўрнига, қолганлар эса мавсумий ишга эга бўлди. Масалан, ўтган йил давомида ҳудудимизда 42 та тадбиркорлик субъекти ташкил этиб, 50 нафар аҳоли бандлигини таъминлади. Шунингдек, маҳалламизда 10 та иссиқхона ташкил этилиши натижасида яна 10 та иш ўрни пайдо бўлди.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## «Гулбаҳор» яшил маконга айланмоқда

Арнасой тумани ҳудудида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида 2023 йилнинг баҳор фаслида жами 785 минг 600 дона манзарали, мевали дарахт кўчатлари ва бута қаламчалари экиш кўзда тутилган. Ҳозирда «Гулбаҳор» маҳалласида жойлашган Жамбул кўчасида амалий ҳаракатлар давом этмоқда.



— «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида 10 минг дона тут кўчатлар ва 20 минг дона терак кўчатлари экилиши режалаштирилиб, 2,2 км. оқова сув тармоқлари олиб келиниши белгилаб олинди, — дейди маҳалла раиси **Ф. Умаров**. — Бундан ташқари, Жамбул массивида «Обод қишлоқ» дастури асосида 1,2 км. ичимлик сув қувурлари ётқизиilib, 3 км. ички йўллар шағаллаштирилади.

Ушбу ҳудудда 70 та хонадон мавжуд бўлиб, мазкур аҳоли пункти атрофидаги бўш турган 3 гектар ер майдонини яшил маконга айлантириш режага киритилган.

Мухбиримиз.



# Супурги билан пулни «супуриб» олиш мумкин экан...



Уйида супурги боғлатадиган бир оила йилига камида **100** миллион сўм фойда қилар экан. Бу — ўтин ва ем ўрнида ишлатиладиган супурги донидан ташқари даромад.

СУПУРГИ БОҒЛОВЧИЛАРГА БИР ДОНА БОҒЛАНГАН СУПУРГИ УЧУН 2,5 МИНГ СЎМГАЧА ПУЛ БЕРИЛАДИ. ИШИНИНГ УСТАСИ БИР КУНДА 60 ТАГАЧА СУПУРГИ БОҒЛАЙДИ. ДЕМАК, УНИНГ БИР КУНЛИК ДАРОМАДИ 150 МИНГ СЎМ БЎЛАДИ

Супурги сотиб машина ёки уй олса бўладими?

Агар уни хорижга экспорт қилса-чи?

Супурги тайёрловчиларнинг қўл остида ўнлаб одамлар ишлашни биласизми?

Бу фактларга ишониш қийин. Сабаби, биз супургичиларни маҳаллаларни оралаб, харидор қидирадиган косиб сифатида тасаввур қиламиз. Уларнинг яшаш тарзи, касби, даромади, режалари ҳақида деярли ҳеч нима билмаймиз. Аслида эса...

Пайриқанд тумани марказидан 25 километр узоқликда жойлашган «Тўполос» маҳалласи бешта қишлоқни ўз ичига олган. Бу ерда ҳозирда 4 минг 500 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Қизиқ жиҳати, бутун вилоятга сотиладиган уй супургиларини шу ерлик, аниқроғи, ундаги Қозоқхўжа қишлоғининг тадбирли аҳолиси тайёрлайди. 152 та хонадон, улардаги 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган аҳолининг деярли барчаси супурги бизнеси билан машғул.

Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Ойбек Алиқуловнинг айтишича, маҳалла ҳудуди деҳқончилик ва чорвачиликка мослашган экан. Шу боис ҳудудни ривожлантириш «драйвер»и сифатида деҳқончилик белгиланган. Бу ерда, асосан, поллиз экинлари, хусусан, мош, ловия ҳамда помидор етиштирилади.

— Бу аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланишига тўсиқ бўла олмайди, — дейди О.Алиқулов. — Мисол учун, ўтган йили 55 нафар фуқарога тадбиркорликни йўлга қўйиши, даромад келтирадиган ишни бошлаб, ўзини ўзи банд қилиши учун 1 миллиард 84 миллион сўмга яқин имтиёзли кредит ажратилди. Бу сармоянинг асосий қисми қишлоқларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилди. Натижада ҳудудларда сартарошхона, автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчалари, сав-

до дўконларининг сони ортиб, аҳолининг яшаш шароити яхшиланди.

Қозоқхўжа қишлоғи бу борада пешқадам. Сабаби, унда юқорида тилга олинган даромад турларидан ташқари, супурги бизнеси кенг ривожланмоқда. «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойилининг амалий ифодасини айнан шу ерда кўриш мумкин. Этиборлиси, бу иш пала-партиш, кимўзарига эмас, қишлоқдошларнинг уюшқоқлиги билан амалга оширилади. Яъни супурги учун хомашёни олиб келишдан тортиб, уни тайёрлаб сотишгача бўлган жараёндаги барча юмушлар қишлоқ аҳолиси ўртасида тақсимланган. Асосийси, бундан ҳамма манфаатдор.

**Иш «конвейер» усулида амалга оширилади**

Шу маҳаллада яшовчи Шахзод Жўраев бу бизнес билан узоқ йиллардан буён шуғулланади. Уйнинг ертўласи ҳамда ҳовлисида хомашё ва янги тайёрланган супургиларни сақлаш учун махсус жой қилинган. Бу ерда ўнга яқин аҳоли иш билан таъминланган. Улар орасида ёшлар ҳам, мўйсафидлар ҳам бор.

— Бир вақтлар ота-боболаримиз рўзғорга қўшимча даромад бўлади, деб супурги боғлаган, — дейди Ш.Жўраев. — Албатта, ўшанда тайёрланган супургиларни ўзлари, уйма-уй юриб сотишган. Йиллар ўтиб, бу иш такомиллашди. Ҳозир қишлоғимиздаги 20 га яқин хонадонда супурги боғланса, қолган ҳамқишлоқларимиз шу хонадонларда меҳнат қилиб, умумий ишдан даромад олади. Масалан, бизнинг уйда мавсум вақтида 20 нафаргача одам супурги боғлайди. Сотувчилар алоҳида ишлайди. Улар биздан супургини улгуржи нархларда олиб, жойларга тарқатади. Бунда улар уйма-уй юрмайди, балки супургини ўз автоуловида жойлардаги бозор, дўконларга етказилади, холос.

Аҳамиятлиси, супурги ясашда ишлатиладиган ўсимлик бошқа

вилоят, ҳатто давлатдан олиб келинади. Хўш, унумдор, серсув ерларимиз бўлса, нега ўзимизда экилмайди?

— Супурги, асосан, унумсиз ерларда экилади, — дея тушунтирди маҳалла раиси Бахтиёр Юнусов. — Боиси ундан кўп даромад қилинмайди. Бизнинг маҳалла, умуман, вилоятимиздаги ерлар унумли ҳисобланади. Унда кўпроқ даромад келтирадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ҳудудимиз серсув, намгарчилик бор. Супурги эса нисбатан қурғоқчил жойларда яхши ўсади. Яширмайман, уни ўзимизда ҳам ўстиришга ҳаракат қилдик, аммо сифати паст бўлди.

Қозоқхўжаликларнинг айтишича, шу кунларда қишлоққа супурги Сирдарё, Фарғона вилоятлари, қизғиш ранглиси эса Афғонистондан келирилган экан.

**Даромад қанча бўляпти?**

Яна бир қизиқ маълумот: қозоқхўжаликлар супурги ўсимлигини боғламда эмас, килограммда ҳисоблаб сотиб олишади. Масалан, Сирдарёдан келтирилган супурги новдаларининг бир килограмми 16 минг сўмдан харид қилинган. 3 килограмм новдани 4 та супурги чиқади. Новданинг узун ва йўғон жойлари кесиб ташланади. Қишлоқ аҳлининг айтишича, кесилган, синган новдалар тандирга ўтин бўлади. Қолаверса, новвой, сомсапазлар уни сотиб олишади. Бундан ташқари, супургининг уруғи ажратиб олинади. У чорва моллари учун ем ўрнида ишлатилади. Хуллас, новданинг ўзи ҳам, чиқиндилари ҳам зарар қилмайди.

Ҳисобли дўст айрилмас, дейди доноларимиз. Хўш, бу бизнесдан қанча даромад қолади? Хомчўтимизга кўра, уч килограмм супурги поясидан чиқадиган тўртта тайёр супурги 12 минг сўмдан тушади. Бу фақат хомашёнинг нархи. Супурги боғловчиларга бир донга боғланган

супурги учун 2,5 минг сўмгача пул берилар экан. Ишининг устаси бир кунда 60 тагача супурги боғлайди. Демак, унинг бир кунлик даромади 150 минг сўм бўлади. Ўртадаги дам олиш кунлари, тўлиқсиз ишланган кунларни (аҳоли супурги боғлашдан ташқари деҳқончилик ва чорвачилик билан ҳам шуғулланади) инобатга олсак, бир ишчи ойига ўртача 3 миллион сўм ишлаб топади. Агар 2,5 минг сўмни супурги нархига кўшсак, 14,5 минг сўм, коммунал тўловлар, жараёнда ишлатиладиган сим ва бошқа кичик харажатларни қўшганда, бир донга супурги нархи ўртача 15 минг сўм атрофида бўлади. Ишлаб чиқарувчи уларни, шаклига қараб, 20 минг сўмгача сотади.

Хуллас, уйида супурги боғлатадиган бир оила йилига камида 100 миллион сўм фойда қилар экан. Бу — ўтин ва ем ўрнида ишлатиладиган супурги донидан ташқари даромад.

Айни кунда Қозоқхўжада тайёрланаётган супургилар нафақат вилоят, балки бутун республика бўйича сотилади. Қишлоқдагиларнинг айтишича, ҳозир республиканинг фақат икки жойида — Андихон ва Самарқандда уй супургилари тайёрланади. Сотувчилар маҳсулотларни Тожикистонга экспорт қилишаётганини айтишди. Бу ҳам яхши, ўтган йили Россиянинг Махачқалъа шаҳрига 10 минг донга супурги экспорт қилинганига нима дейсиз?

— Турли давлатлардаги бозорларни ўрганишимиз, — дейди ҳоким ёрдамчиси. — МДХ давлатларида сифатли супургига талаб юқори экан. Аммо уларга маҳсулотни тизимли экспорт қилишга тайёр эмасмиз. Сабаби, супурги билан шуғулланувчилар хунарманд ҳисобланади, юридик фирмамиз йўқ. Шу боис бу йил уларни ягона кооперацияга бирлаштиришни ўйлаётимиз. Бу миллий супургиларимизни жаҳон бозорига олиб чиқиш имконини беради.

Супурги экиб, ундан рўзғор буюми тайёрлаётган хонадонларни «уй заводлари»га қиёслаш мумкин. Айни кунларда супургининг ҳар донаси 20 минг сўмдан зиёдни ташкил этади. Демак, даромад ҳам мўмай. Қолаверса, пояси ва дони чорвага тўйимли озуқа. Эътиборлиси, йил давомида иш бор, бандлик ҳам таъминланган. Яъни кўклардан кузгача экинлик билан машғул супурги етиштирувчилар дала ишлари тугагач, ҳосилни тайёр маҳсулотга келтириб, ишлаб чиқарувчиларга айланмоқда.



## Марказда ҳам ҳунарли, ҳам ишли бўлиш мумкин

**МОНОМАРКАЗДА БИР ВАҚТДА 648 НАФАР ИШСИЗ ФУҚАРОНИ КАСБГА ЎҚИТИШ ИМКОНИАТИ МАВЖУД. ЎҚУВЧИЛАР 3 ОЙЛИК КУРСЛАРДА КАСБИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШАДИ. НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ЎҚУВЧИЛАРГА БАЗАВИЙ ҲИСОБЛАШ МИҚДОРНИНГ 2 БАРОБАРИ МИҚДОРИДА СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ**



Мазкур маҳалладан 35 нафар аёл касб-ҳунар ўрганмоқда. 10 нафари ўқишни тамомлаб, фаолиятини бошлади. Бу марказда яқин ҳудуддаги 23 та маҳаллада яшовчи ишсиз хотин-қизлар ўқитилади.

**Н**аманган вилоятининг чекка ҳудудида жойлашган «Олахамак» маҳалласида аҳолининг ишсиз қатлами хунарга ўргатиш ва бунинг ортидан уларнинг бандлигини таъминлашга хизмат қиладиган мономарказ фаолиятини бошлади. Очилиш тадбирида вилоят ҳокими Ш.Абдураazzoқов қатнашди.

Ишсиз фуқароларни замонавий касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, шу асосда уларни доимий даромад келтирадиган меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида Наманган тумани касб-ҳунарга ўқитиш марказини таъмирлаш учун 12 млрд. 700 млн. сўм маблағ сарфланди. Мономарказда 17 та касб йўналиши бўйича ўқитиш тизими йўлга қўйилган.

— Маҳалламизда иш бошлаган марказ Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилди, — дейди **маҳалла раиси Сайфиддин Раҳмонов**. — Амалиётга асосий эътибор қаратилган ушбу ўқув марказида бир вақтда 324 нафар ишсиз фуқарони касбга ўқитиш имконияти мавжуд. Икки марталик ўқув дастурига кўра, бир йилда 648 нафар хотин-қизлар касб-ҳунар эгаллашлари мумкин бўлади. Ўқувчилар 3 ойлик курсларда касбий таълим олишади. Ногиронлиги бўлган ўқувчиларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баробари миқдорида стипендия берилади. Эътиборлиси, бу ерда таҳсил олган ишсиз фуқаролар кейинчалик касаначилик билан

яхши даромад топиши мумкин.

Шунингдек, хорижга ишлашга кетишдан олдин фуқароларни касб-ҳунарга ва хорижий тилларга ўқитиш, уларга касбий малакани тасдиқловчи халқаро сертификатлар олишга кўмаклашиш борасида марказнинг очилгани айтилди. Биргина мазкур маҳалладан 35 нафар аёл касб-ҳунар ўрганмоқда. 10 нафари ўқишни тамомлаб, фаолиятини бошлади. Марказда яқин ҳудуддаги 23 та маҳаллада яшовчи ишсиз хотин-қизлар ўқитилади.

Ҳозирда уста-ҳунармандлар мураббий сифатида жалб қилиниб, касб-ҳунар ўргатишни бошлаб юборишди. Масалан, Абдулбосит Исоқжонов уста-ҳунармандлар оиласининг кенжа вакиллари билан. У миллий ҳунармандчилигимиз намуналаридан бўлган қаштачиликни отасидан пухта ўрганган. Кейинчалик турли ҳудудларда касаначилик асосида аёллар бандлигини таъминлади. Маҳсулотларини Европа давлатларига экспорт қилади. Энди бу мономарказда мураббий сифатида иш бошлаб, аёлларга ҳунар сирларини пухта ўргатмоқда. Келгусида эса уларнинг бандлигини таъминлашни режа қилган.

— Мономарказда ишсиз хотин-қизларга касб-ҳунарнинг ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатларини ўргатмоқдамиз, — дейди **Абдулбосит Исоқжонов**. — Бу ердаги 3 ойлик курсдан сўнг хонадонларидан чиқмай даромад топиш имконига эга бўлишади. Биз уларни иш билан таъминлаймиз. Ҳозирда 15 нафар аёл касб ўрганишмоқда. Келгусида уларнинг сафи янада ортиши кутиляпти. Чунки ҳунар ўрганиб, ишли бўлишни хоҳловчилар кўпчиликини ташкил этади.

Иш бошлаганига унча кўп вақт бўлмаса-да, марказда касб-ҳунар ўрганиш иштиёқидаги хотин-қизлар сафи кенгайиб бормоқда. Пазандачилик курсида таҳсил олишга ҳатто фарзандли аёллар ҳам қизиқиш билдираётди.

Бир сўз билан айтганда, марказдаги шароит ва жиҳозлар бугунги кун талабига мос меҳнат турларини бемалол ўрганишга имкон беради. Фақат аҳоли вакилларининг ўзларида касб-ҳунар эгаллашга хоҳиш бўлса бас, қисқа фурсатда ҳам ҳунарли, ҳам ишли бўлишади.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.



Наманган касб-ҳунарга ўқитиш марказини реконструкция ишларини амалга ошириш учун **12 млрд. 700 млн. сўм** маблағ сарфланди.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Таъминотда узилишлар бўлмайди

Наманган туманидаги маҳаллаларда ички кўчаларни таъмирлаш, ичимлик сув таъминотини яхшилаш, электр энергиясидаги узилишларга барҳам бериш бўйича амалий ишлар давом этмоқда.



Бу жараёнда аҳолини узлуксиз ва барқарор электр энергияси билан таъминлаш, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тумандаги «Тепакўрғон» маҳалла фуқаролар йўғини ҳудуддаги электр энергияси, ичимлик сув таъминотидаги муаммоларга ечим топишда ёрдам сўраган эди. Маҳалланинг таклифи асосида 2 миллиард сўм маблағ ажратилиб, ҳозирда амалий ишлар якуний палласига келди.

— Маҳалламиздаги Тошлоқ кўчасида эски симёғочлар ўрнига 53 дона темир-бетон таянчлари алмаштири-

либ, 1,5 км. масофага кабель тортиш ишлари бажарилди, — дейди **маҳалла раиси Илҳомжон Етовқўзиев**. — Бундан ташқари, қўшимча 250 кВА. кучлинишга эга трансформатор пункти ўрнатилди. Ушбу лойиҳа ижроси учун 150 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, 1 миллиард 793 минг сўм эвазига 6,6 км. ичимлик сув тармоғи тортиш ишлари бошланган. Бу билан Тепакўрғон, Тошлоқ, Қўрғонча кўчаларида яшовчи аҳолининг ичимлик сув билан боғлиқ муаммоси ҳал бўлади.

Мухбиримиз.



## Олис овулдаги одамлар орзуси ушалди

Қорақалпоғистоннинг Тахтакўпир туманидаги Белтов овул фуқаролар йиғини Нукус шаҳридан 140, туман марказидан 40 километр олисда жойлашган. Ўзбекистон шимолидаги энг чекка ҳудуд саналган мазкур овулнинг илгари шароити оғир эди. «Обод қишлоқ» дастури асосида олис қишлоқда қурилиш, таъмирлаш ишлари амалга оширилгач, овул қиёфаси буткул ўзгарди. Ўтган йили Президент Шавкат Мирзиёевнинг бу ерга ташрифи эса қалбларга ғурур бағишлади.



Дарҳақиқат, минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилувчи бу манзил бор-йўғи бир-икки йил олдин яшаш шароити оғир ҳудудлардан саналарди. Таъмирталаб ички йўллар лойиқа қоришиб ётарди. Мавжуд хонадонларда ичимлик сув муаммоси йилдан-йилга ортга сурилиб, аҳолининг оқова сувга бўлган эҳтиёжи эътиборсиз қолаётганди. Ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласи оғриқли нуқталардан ҳисобланарди.

Фақат бугина эмас. Бу ердаги ижтимоий муаммоларнинг жиддийлиги республика миқёсида таъкидланган. Биринчи бор бу ерга ташриф буюрган киши ҳудуддаги ҳолатни кўриб, ажабланиши табиий эди. Кўчалар лой, уйлар қаровсиз, одамлар ишсиз, аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчаларидан дарак йўқ... Умуман олганда, ижтимоий-иқтисодий шароити деярли йўқ бўлган бу ҳудудда масъулларни жуда катта кўламдаги ишлар, синовлар кутарди. Шу боис тезда барча сектор раҳбарлари жалб этилган ҳолда, мавжуд ахволни ўнглаш чоралари белгиланди.

— *Биласиз, чекка қишлоқнинг муаммолари оз ва енгил бўлмаган, — дейди Белтов овул фуқаролар йиғини раиси Мухтор Наврўзбоев.*

— *Йўллар ўнқир-чўнқир, электр таъминотида тез-тез узилиш рўй беради. Ичимлик сув таъминоти ни-ку айтмай қўя қолай. Очиғи, биздаги манзара ҳам шундан нари-бери эди. «Обод қишлоқ» дастури доирасида ана шундай қийинчиликлар гирдобиди қолган овулимиз аҳолисининг елкасига офтоб тегди. Дастур асосида қурилиш, таъмирлаш ишлари амалга оширилди, овул буткул ўзгача қиёфага кирди. Шунга монанд одамларнинг ҳаётга, келажакка қараши ўзгарди, ишбилармонлик, тадбиркорлик кучайди.*

Дастур доирасида фуқаролар йиғини идораси, маданият маркази, шифокорлик пункти, мактабгача таълим муассасаси капитал таъмирланди. Ҳаммом қурилди. Янги қувурлар тортилиб, ичимлик сув таъминоти яхшиланди. Кўчаларга кум-шағал аралашмаси ва қора қопплама ётқизилди. «Оржап» каналида пиёдалар кўприги қурилди, йўлақлар, ариқлар тартибга келтирилди. 5 километр электр тармоқлари янгиланиб, трансформатор ўрнатилди.

Қатор йиллардан буён бу ердаги ҳар бир хонадонда 0,4 сотихдан 0,20 сотихгача томорқа майдони қақраб ётарди. Сув келгач, ҳар бир хонадонга серҳосил узум қаламчалари, бўлғор қалампери, помидор кўчатлари етказиб

берилди. Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиш тизими йўлга қўйилди.

— *Юртимизнинг олис қишлоқлари кўркам қиёфа касб этаётганини кўрганымда, қачон бизнинг маҳалламиз ҳам ана шундай обод бўларкан, деб орзу қилардим, — дейди меҳнат фахрийси Жумабой ота Тўраниёзов. — Чунки олис ҳудуд бўлгани учун маҳалламиз узоқ йиллардан буён эътибордан четда қолиб келаётганди. Масалан, сув йўқлигидан аҳоли қийналарди. Қиш ойларида, ёғингарчилик мавсумида асфальт қилинмаган йўллардан оёқларимиз лойга ботиб, манзилимизга зўрға етиб олардик. Айниқса, бундай шароитда болажонларимиз мактабга бориб-келишга қийналарди. Узоқ вақт ана шундай муаммолар ичиди яшадик. Яратганга беҳисоб шукр, у кунлар ҳам ортда қолди. Кўчаларимиз таъмирланди. Ҳар бир хонадон ҳолидан хабар олиниб, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Ишсизлар бандлиги таъминланяпти.*

Ҳудудлардаги муаммоларни «маҳаллабай» ва «хонадонбай» ўрганиш тизими йўлга қўйилиб, номли дафтарлар юритила бошлангани мазкур овулда ўз самарасини бермоқда. Бу тизим орқали ҳар бир хонадонга кириб бориляпти, фуқароларнинг му-

аммоси ўрганиляпти. Тадбиркорлик, деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик каби йўналишларда ўз фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган фуқароларга имтиёзли кредитлар, субсидиялар ажратилмоқда. Бу орқали аҳоли бандлиги таъминланиб, оилаларнинг турмуш фаровонлиги ошмоқда.

**Аниқ рақамларга юзлансак:** ўтган йили ишсиз бўлган 92 нафар кишининг бандлиги таъминланди. Бунда 52 нафарига имтиёзли кредит ажратилиб, турли йўналишларда тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди. 15 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларида жалб қилинди. 48 нафари ўзини ўзи банд қилиб, оиласига барака киритмоқда. Қолаверса, ишсиз ва уйда ўтирган хотин-қизларга 31 миллион сўмлик тикув машиналари тақдим этилди. Бунда улар дастлаб овулдаги касб-хунар марказида ўқитилди, сўнгра сертификат асосида субсидия берилди.

Умуман олганда, бугун Белтовдаги манзара бундан икки-уч йил олдинги ҳолатдан тамомила ўзгача. Йўллар равон, уйлар тартибга келтирилган, ичимлик сув бор. Қолаверса, қатор ижтимоий тузилма объектлари аҳоли ихтиёрида. Очиғини айтиш керак, авваллари бундай ўзгаришларни ҳатто овул одамларининг ўзлари ҳам тасаввурига сиғдирмаган. Ҳаётбахш дастурлар, давлат раҳбарининг иродаси, инсон қадрини улуғлашга қаратилган ислохотлар бундай янгиланишларга замин яратмоқда.

Санжар ИСМАТОВ.

## Ҳамжиҳатлик мактабни обод қилди



«Ташаббусли бюджет» лойиҳаси маҳаллалардаги ечимини кутаётган муаммоларга аҳилликда, ҳамжиҳатликда ечим топишда катта аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда, айниқса, ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш, таъмирлаш борасидаги ташаббусларга эътибор қаратилляпти.

Когон шаҳридаги «Бобур» маҳалласида жойлашган 9-умумтаълим мактаби ўтган йили мазкур лойиҳада иштирок этиб, ғолиб бўлди. Натижада 250 миллион сўм маблағ эвазига сунъий қоппамали футбол майдончаси, 200 миллион сўмга замонавий кутубхона, 200 миллион сўмга касб-хунар хоналари қурилди.

Футбол майдончасида мактаб ўқувчилари ва маҳалла ёшларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун турли мусобақалар уюштириляпти. Замонавий жиҳозлар ва 4 минг 310 нусхадан иборат

китоб фондида эга кутубхона ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўқувчиларнинг сеvimли машғулот хоналарига айланган касб-хунар хоналари йигит-қизлар билан гавжум. Жумладан, қизлар учун «Пазандачилик», «Чеварлик», «Каштачилик», «Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш», «Нон ва нон маҳсулотлари» тўғараклари, ўғил болалар учун «Дурадгорлик», «Пластик турбаларни пайвандлаш» каби тўғаракларни ташкил этилган. Уларга 515 нафар 7-, 11-синф ўқувчилари камраб олинган.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?



# Ҳар икки оиланинг бири — ТАДБИРКОР

**ЙИҒИНДА МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИНИНГ ЖОНКУЯРЛИГИНИ, ТАШАБУСКОРЛИГИНИ, АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИШЛАРИ НАТИЖАСИНИ НАФАҚАТ МАҲАЛЛА КЎЧАЛАРИДАН, БАЛКИ ОДДИЙ ОДАМЛАРНИНГ КЎЗИДАГИ МАМНУНЛИҚДАН ҲАМ СЕЗИШ МУМКИН**

«Зафаробод» маҳалласи Конимех туманида жойлашган. Худудда эҳтиёжманд, кўмакка муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликка жалб этиш орқали аҳолининг даромадини ошириш, ишсиз, даромад манбаига эга бўлмаган фуқароларнинг бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.



## Ф

уқаролар йиғинидаги 1 734 та хонадонда жами 6 064 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Эътиборли жиҳати шундаки, йиғиндаги 1 886 та оиланинг қарийб 50 фоизи оилавий тадбиркорлик билан шуғулланади. Асосан кичик тадбиркорликка ихтисослашган ушбу маҳаллада тикувчилик цехлари, қандолат дўконлари, ширинлик ошхоналари, иссиқхоналар фаолият юритиб келмоқда.

Ҳоким ёрдамчиси томонидан йиғинда хатлов ўтказилиб, 227 нафар меҳнатга лаёқатли, 201 нафар тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган, 115 нафар кредит асосида ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган фуқаролар аниқланиб, уларнинг муаммоларига ечим топилди. Ўқиб истагида бўлган 20 нафар хотин-қиз тикувчилик йўналиши бўйича ўқитилиб, субсидия асосида тикув машиналари олиб берилди. Бу орқали улар уйда бекор ўтирмасдан тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиб, оила даромадига қўшимча даромад киритмоқда.

— Йиғинимизда ўтган йили 776 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланиб, шундан 249 нафари доимий иш ўринларига, 135 нафари ҳақ тўланадиган ишларга, 392 нафари ўзини ўзи банд қилиш орқали оила даромади ўсишига кўмаклашмоқда, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Тошпўлат Намозов. — Ўқиб истагида бўлган 48 нафар фуқаро тадбиркорлик

кўникмалари ва касб-хунарга ўқитилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида 109 нафар фуқарога 3 миллиард сўмлик имтиёзли кредит маблағлари учун ижобий хулосалар берилган.

Айтиш керакки, фуқаролар йиғинида «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»га киритилганларнинг бандлиги таъминланиб, қўшимча даромад топишига кўмаклашиляпти. Жумладан, «Аёллар дафтари»даги 20 нафар уйда бекор ўтирган ишсиз хотин-қиз тикувчилик соҳасида ўқитилиб, ишли бўлди. Мисол учун, Кончилар кўчасида яшовчи Венера Муродова 30 миллион сўм имтиёзли кредит асосида худуддаги бўш турган бинони ижарага олиб, тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиб, орқали маҳалладаги 15 нафар ишсиз хотин-қизни доимий иш билан таъминлади. Шодлик кўчасида яшовчи Насиба Шерова имтиёзли 30 миллион сўм кредит асосида ширинлик ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, кунлик 150-200 минг сўм даромад топяпти.

Бундан ташқари, йиғинда «Ҳар бир оила — тадбиркор» тамойили асосида кўплаб фуқаролар ўзини ўзи банд қилган ҳолда оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган. Жумладан, Фаровон кўчасида истиқомат қилувчи Хайриддин Тўраев ҳамда Кўкча кўчасида яшовчи Жонибек Ҳамидов ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан маҳалла худудидан ер олиб,

30 сотих майдонда иссиқхона ташкил этди. Бу ерда помидор, бодринг ва бошқа полиз маҳсулотларини етиштириб, ички бозорлар тўқинлигини таъминлаш орқали йилига оила даромадига қўшимча 50-60 миллион сўм даромад киритяпти.

— Кимдир келиб ёрдам беришни кутиб ўтирмасдан озроқ пул тўплаб, маҳалла худудидида 30 сотих ер майдонидида иссиқхона ташкил қилдим, — дейди Хайриддин Тўраев. — Аввалдан оилавий тадбиркорлик билан шуғулланишни режа қилиб юрар эдим. Мана «Сендан ҳаракат — мендан баракат», деганларидек, ҳаракатларимнинг натижасини кўряпман. Кичкина бўлса-да, оилавий бизнесимиз бор. Ҳар мавсумда полиз маҳсулотлари етиштириб, нафақат бозор тўқинлигини, балки йиғинимиз аҳлини ҳам помидор ва бодринг маҳсулотлари билан таъминлаяпмиз. Насиб қилса, жорий йил 200 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлигимни кенгайтирмоқчиман.

Умуман олганда, йиғинда маҳалла фаолларининг жонкуярлигини, ташаббускорлигини, амалга ошираётган ишлари натижасини нафақат маҳалла кўчаларидан, балки оддий одамларнинг кўзидаги мамнунликдан ҳам сезиш мумкин. Энг муҳими, одамлар фаровон ҳаёт кечириш учун келажакка интилиб, ўзлари учун шароит яратмоқда.

Мансурбек ЖАББОРОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Номли дафтардагиларга катта кўмак берилляпти

Маҳаллалардаги кам таъминланган, эҳтиёжманд, ишсиз фуқароларга кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишда «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» тизими яхши самара бермоқда. Мисол учун, Яшнобод туманидаги 2-секторга қарашли 17 та маҳаллада бу борада ўзига хос тажриба яратилган.

«Темир дафтар»га маҳаллалардаги 2 642 та эҳтиёжманд оила киритилган бўлиб, уларнинг 2 462 тасига ёрдам кўрсатилди, 93,2 фоизининг дафтардан чиқишига кўмаклашилди. Дафтарда қолаётган 180 та оиланинг 60 тасида ногиронлиги бор, 80 тасида ижтимоий ҳимояга муҳтож, 20 тасида якка-ёлғиз фуқаролар мавжуд ва 20 таси кам таъминланган оила ҳисобланади. Дафтарга киритилган 287 нафар кам таъминланган фуқарога «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан 1,2 миллиард сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Шундан 35 нафарига жарроҳлик амалиётини ўтказиши учун қарийб 700 миллион сўм маблағ ажратилди.

«Наврўзобод» маҳалласида яшовчи тиббий ёрдамга муҳтож М.Безиновага жарроҳлик амалиёти учун 74 миллион сўм, Ш.Ризақуловага 59 миллион сўм ёрдам кўрсатилди. «Машинасозлар» маҳалласидан Н.Зиёхонова, «Фазогир» йиғинидан А.Қосимов, «Тўйтепа» маҳалласидан У.Шералиевага уй-жой таъмири учун 10 миллион сўмдан берилди. Коммунал тўловлардан катта қарздорлиги бўлган «Яшнобод» маҳалласида яшовчи боқувчисини йўқотган Х.Тешабоевага 10 миллион сўм, «Бойқўрғон» йиғинида яшовчи Б.Зоҳидовага 7,7 миллион сўм тўлаб берилди.

«Аёллар дафтари»даги хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда. 17 та маҳалладан 1 726 нафар хотин-қиз дафтарга киритилган. 6 та тоифага бўлинган аёлларнинг 247 нафари ишга жойлаштирилди, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган хотин-қизларнинг 34 нафарига тегишли ёрдамлар кўрсатилиб, 13 нафарига кредит ажратилди. 608 нафар боқувчиси бўлмаган, 416 нафар тиббий ёрдамга муҳтож, 157 нафар қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд аёлларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди, 12 нафар аёл субсидия асосида уй-жой олиб беришга тавсия этилди, 6 нафарига ижара компенсацияси тўлаб берилди.

«Ёшлар дафтари»га 449 нафар йигит-қиз киритилиб, шундан 350 нафарининг бандлиги таъминланди ва дафтардан чиқарилди. Шундан 59 нафари корхона ва ташкилотларга ишга жойлашди, 12 нафари «Устоз-шогирд» анъанаси асосида тадбиркор хунармандларга бириктирилди, яна шунчасига имтиёзли кредитлар ажратилди. 44 нафари ўзини ўзи банд қилган бўлса, 95 нафарининг контракт тўловларининг 50 фоизи, 18 нафарига ҳарбий хизмат тўлови тўлаб берилди. 83 нафар ёшга 12 миллион сўмдан субсидия ажратилди.

Умуман олганда, номли дафтарларга киритилган фуқаролар билан амалга оширилаётган тадбирларнинг ҳаққонийлиги таъминланиб, ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Бобур ЭШБЕКОВ,  
Яшнобод туман прокурори ёрдамчиси.



Сўнги йилларда илм-фан соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган унинг ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлади. Айниқса, бу борада «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Президент фармони алоҳида аҳамиятга эга.



# «Университет 3.0» концепцияси — ривожланишнинг янги босқичи



Ушбу ҳужжатда келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифаларимиз қаторида «Университет 3.0» концепциясини босқич-ма-босқич жорий этиш вазифаси ҳам белгиланган бўлиб, унинг доирасида университетлар, технопарклар, лабораториялар, инкубаторлар ва ҳатто музейларда кенг илмий тадқиқотлар олиб борилади.

«Университет 3.0» концепциясини тўлақонли тушуниш учун, аввало, университетлар тарихига назар солиш лозим. Уларнинг пайдо бўлиши, шаҳарларнинг ривожланиши, жамиятнинг фикрлаш тарзидаги ўзгариш, давлат томонидан университетларни ташкил этишнинг иқтисодий фойдалари тан олинishi, ҳукуматнинг маълумотли кадрлар пайдо бўлишидан манфаатдорлиги, таълим олишни истаган қизиқувчиларнинг кўпайishi каби омиллар асосий рол ўйнагани кўзга ташланади. Шаҳарларнинг фаол шаклланиши, бозор муносабатларининг ривожланиши ва ишлаб чиқариш ҳамда саноатнинг изчил ташкил этилиши «Университет 1.0» типидagi университетларнинг кескин кўпайishiга сабаб бўлган.

Кейинроқ замон тараққиети билан пайдо бўлаётган иннова-

циялар ўрта аср ёндашувидан университет таълимининг янги босқичига ўтишни таъминлади. Хусусий университетларнинг биринчи прототиплари пайдо бўлди. Университет моделини янгилаш ўз навбатида янги университетлар ва факультетларни яратишга тўсқинлик қилувчи мавжуд университетларни, шунингдек, янги фанларни ўқитишни сезиларли даражада мураккаблаштирди. Вақт ўтиши билан анъанавий университетлар янги фанлар ва илмий усулларни қабул қила бошлади. Натижада Германияда илк бор «Университет 2.0» модели пайдо бўлди.

XIX асрнинг охирида университетларнинг таълим модели биринчи илмий инқилоб натижасида илм ва таълимни бирлаштирувчи тадқиқот университетларига трансформация қилиш жараёни рўй берди. XX асрнинг охиридан бошлаб инсоният университет эволюциясининг навбатдаги модели — тадбиркорлик моделини муҳокама қила бошлади. Ҳозирги даврда бунга ўхшаган жараёнлар бутун дунёда рўй бериши натижасида қатор университетлар учинчи — иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш миссиясини амалга оширишга ҳаракат қилмоқда.

Замонавий университет — жамиятнинг фаол, кўп қиррали ва самарали фаолият юритувчи институти бўлиб, бир вақтнинг ўзида учта йирик вазифани ҳал этиши лозим. Булар — таълим, илмий ва инновацион-тадбиркорлик. Бундай университетларда академик таълим олиш билан бир қаторда битирувчиларнинг тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш белгиланган.

Билимларни шакллантириш ва тижоратлаштириш, саноат компаниялари, инвесторлар, йирик корпорациялар, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва бошқа университетлар билан ўзаро ривожланган ҳамкорлик, юқори халқаро рейтинглар, энг яхши мутахассислар, талабалар ва илмий-тадқиқот шартномалари учун фаол танлов (рақобат), глобализация сиёсати (инглиз тилида дарс бериш), фанлараро илмий тадқиқотларни ўтказиш, «Университет 1.0» моделига нисбатан яқин бўлган турли хил ўқитувчилар ва талабалар таркиби, давлат бошқаруви ва аралашувида боғлиқликни камайитириш — «Университет-3.0» концепциясининг асосий манбалари ҳисобланади. Бундан ташқари, таълим хизматларини кўрсатиш ва илмий изланишларни амалга ошириш билан бир қаторда, учинчи муҳим функцияси — ихтиролар ва билимлардан фойда олишдир. Илгари университетлар интеллектуал фаолият натижаларини сотишган ва хайрига қилишган бўлса-да, аммо бу университетнинг асосий фаолияти ва даромадларидан бири ҳисобланмасди. Балки ўқитувчилар учун қўшимча даромад олиш имконияти сифатида жойлаштирилган.

Хулоса қиладиган бўлсак, «Университет 3.0» — технологик тадбиркорларни жалб қилиш маркази, билим, янги технологияларни ишлаб чиқарадиган жойга айланмоқда. Компаниялар ва илмий марказлар университет ҳудудида жойлашган бўлиб, бу уларнинг алоқасини, университет профессорларидан маслаҳат олишни, талабаларни ривожланишини осонлаштиради.

**Файрат ҚОДИРОВ,**  
**Жиззах давлат педагогика**  
**университети Илмий ишлар**  
**ва инновациялар бўйича**  
**проректори, биология фанлари**  
**номзоди, доцент.**

ҲУҚУҚ

## Инсон ҳуқуқларига оид билим болаликдан бошланади

Бугунги тобора глобаллашадиган ҳамда тез суръатларда ўзгариб бораётган мураккаб ва шиддатли даврда ёшларга билим ва касб-ҳунар ўргатиш билан бир қаторда, фарзандларимизнинг маънавиятини юксалтириш масаласи жуда долзарб вазифадир. Бу ўринда, албатта, ёш авлодни турли таҳдидлардан асраш, уларнинг жаҳонда содир бўлаётган жараёнлар туб моҳиятини англаб етишлари, ушбу воқеликлар юзасидан холис ва мустақил фикрга эга бўлишларига эришиш ҳақида сўз бормоқда. Бунинг юртимизда 2023 йилга — «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб ном берилгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.



**Нодира ЗИЙЕВА,**  
**Фуқаролик ишлари бўйича**  
**Зангиота туманлараро**  
**судининг судьяси.**

Бутун дунёда таълим соҳасига жуда кўп маблағ сарфланади. Айниқса, ўқитиш жараёнларини соддалаштириш, ўқувчилар билимини ошириш ва ёшларнинг мавзу бўйича хабардорлигини чуқурлаштиришнинг турли замонавий усулларини ишлаб чиқиш астойдил саяҳат ва сарф-харажатларни талаб этадиган муҳим омиллар қаторига кирилади.

Бунинг учун ёшлар таълим-тарбиясига эътиборни янада кучайтиришимиз лозим. Бунда навқирон авлод вакилларини, бир томондан, маданият, санъат жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, иккинчи томондан, уларнинг онгига ахборот технологияларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, учинчи томондан, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 7 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори кўп жиҳатдан айна шу эзгу мақсадлар ижобатиға қаратилгандир. Қарорда, хусусан:

➤ жорий йилнинг февраль ойида мамлакатимизда «Инсон ҳуқуқлари» ҳафталигини ўтказиш;

➤ таълим муассасаларида «Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги» доирасида ўтказиладиган тадбирларда «Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари» мавзусига алоҳида эътибор қаратиш;

➤ Конституция қабул қилинган кун муносабати билан ўтказиладиган кўрик-танловларда аёллар, бола ва ёшлар ҳуқуқлари масалалари қамраб олинишини таъминлаш;

➤ маҳаллаларда ёшлар иштирокида «Инсон ҳуқуқлари — олий кадрият» мавзусида турли даражадаги маърифий анжуманлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этиш зарурлиги таъкидланган.

Юқоридаги Президент қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури бу борадаги янада муҳим ва кўламдор вазифаларни ўзида қамраган.

Бу ҳақда фикр юритганда, аввало, айна йўналишдаги таълим ҳар бир фуқаронинг инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматини рағбатлантириш, ушбу ҳуқуқларга ҳар томонлама риоя этилишини таъминлаш, зўравонлик ва низоларнинг олдини олишда улкан аҳамият касб этади. Шу маънода, Миллий таълим дастури Ватанимизда сифатли таълим ва инсон ҳуқуқлари, умуман, инсон омилиға қанчалик юксак эътибор қаратиладиганининг яна бир амалий далилидир.

Дастур моҳияти билан танишиш асносида, шубҳасиз, ҳар бир бандда акс этган вазифа юртимизда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш, ёшларни тенглик, инсон ҳуқуқларига амал қилиш ва камситмаслик руҳида тарбиялаш, инклюзив, тинч ва осойишта жамиятни яратишга имкон берувчи таълимни ташкил этишга йўналтирилганиға амин бўлиш мумкин.

Бугунги кунда айрим ёшларимиз ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини билмагани сабабли ҳаётда ўз йўлини топиш, мукамал билим ва мақбул касб-ҳунар эгаси бўлиш йўлида муайян қийинчиликларға дуч келаётгани сир эмас. Шу нуқтаи назардан, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурининг ўз вақтида, тўлиқ ва самарали амалға оширилиши барча юртдошларимиз, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини янада бойитишда алоҳида самара беради.



## Илм-фан ниқобидаги БИЗНЕС – «ЛОХОТРОН»

**ИЛМ ЙЎЛИДА АЛДОВ БЎЛМАЙДИ, ДЕЙИШАДИ. ЧУНКИ БУНДАЙ СОХТАГАРЛИК СИЗНИ ВА ИЛМИНГИЗНИ БОТҚОҚҚА БОТИРИШИ ТУРГАН ГАП. ЯХШИСИ, СИНАЛМАГАН ОТНИНГ СИРТИДАН ЎТМАНГ. ТЕПКИСИ ОҒИР КЕЛМАСИН**

Ўзбекистонда тадқиқотчиларга қўйилган талаблар орасида хорижий тан олинган ва Олий аттестация комиссиясидан (ОАК) рўйхатдан ўтган журналларда мақола чоп этиш мажбурияти борлиги шу йўналишда хизмат кўрсатишга ихтисослашган нодавлат босма ва электрон нашрлар, илмий марказларнинг кўпайишига олиб келди. Электрон ва босма нашрлар маълум ҳақ эвазига мақолаларни чоп этишни таклиф қилса, илмий марказ мақомидаги ННТлар турли анжуманлар ташкилотчиси сифатида майдонга чиқмоқда.

Журналлар ҳатто мақолани чоп этиш билан чекланмай, муаллифни кўкрак нишони ва медаллар билан тақдирлаш йўлини тутишган. Бу тадқиқотчи учун яхши рағбат бўлиши мумкин, аммо масаланинг иккинчи жиҳати бор: илмий журнал мақомини даъво қилаётганлар, ўзини илмий марказ, халқаро илмий уюшма каби жарангдор номлар билан атаётганлар фаолияти аслида ҳам шу мезонларга тўғри келадими? Улар халқаро ва ёки ҳечқурса, маҳаллий даражада тан олинганми? Уларда изланувчининг мақоласи чоп этилса, таъсис этган мукофотлар билан тақдирланса ёки анжуман ғолибига айланса, муаллифга қандай наф бўлади?

Ўрганишлар давомида эътиборимизни тортган жиҳат — гўёки давлат мукофотларига номзодлар, устама олишни хоҳлаган ўқитувчилар, давлат стипендияларга даъвогар талабаларга мақолалари маълум ҳақ эвазига шу журналда чоп этилса, танлов ҳайъати томонидан тан олинмишига урғу берилмоқда. Ҳатто оқ-қорани таниган зиёлилар ўртасида ҳам хорижий давлатларнинг номи чиқмаган ёки умуман амалда бўлмаган «ташкilotлари»нинг «фахрий профессори», «академик» каби унвонларини сотиб олиб, омма орасида керилиб юришларига ўқтин-ўқтин гувоҳ бўламиз...

Бу амалиёт энди маҳаллийлашгандек, назаримизда. Мисол учун, Наманган вилоятида ташкил этилаётган «Тараққиёт бунёдкори» номли кўрик-танлов ана шундайлардан бири. Танлов ҳақидаги эълонга кўз югуртирсангиз, бир қатор давлат ташкилотлари, жумладан, Наманган вилоятидаги олий таълим муассасалари, сиёсий партиялар вилоят кенгашлари, Ёшлар иттифоқи ҳамда Иқтидорли талабалар илмий-амалий маркази ҳамкор сифатида қайд этилган. Лекин Ёшлар иттифоқи Наманган вилояти бўлими раҳбари Азизбек Тошматовдан бу ҳақда сўраганимизда, мутлақо беҳабарлигини таъкидлади.

Қолаверса, шишириб ёзилган танлов эълонида на мақола чиқадиган

журнал номи, на унинг таъсисчиси ҳақида тўлиқ маълумот мавжуд. Мурожат учун қолдирилган манзил маъмури билан боғланганимизда, юборилган мақолалар кенгаш аъзолари томонидан кўриб чиқилиб, ОАК рўйхатидан ўтган журналда чоп этилади, деган мазмундаги жавоб олдик. Бошқа маълумотлар эса тақдимот куни очиқланар экан. Айни шу тадбирда муаллифларга ташаккурнома, эсдалик кўкрак нишони ва гувоҳнома тақдим этилиши айтилди. Лекин кенгаш аъзолари ким, журнал номи нима, мукофотларни ким топширади, энг муҳими, бу танлов ғолиблиги қандай, кимлар томонидан аниқланади, неча нафар ғолиб бўлади, улар қандай имтиёзга эришади, каби саволларга жавоб бўлмади.

«Ўзбекистонда таълим» республика педагоглар журналі — илмий, публицистик мақолалар, методик тавсиялар ва бадий ижод намуналари чоп этишга ихтисослашган. Бу ойномада маълум ҳақ эвазига чоп этилган ижодий ишлар учун муаллифларга сертификат ва диплом тақдим этилади. Энг яхши муаллифлар йўналишига кўра, «Таълим фидокори», «Истеъдод» кўкрак нишони ёки «Эхтиром» медалига тавсия этилади. Бундан муаллифларга қандай наф бўлади, бирор имтиёз мавжудми, сингари саволларимиз журнал ходимлари томонидан жавобсиз қолдирилди. Ажабланарлиси, номланишида халқаро даражада, деярли таърифланган, олимлар, докторантлар, талабаларнинг мақолаларини қабул қилиб, кўплаб тўпламлар чоп этилган журналда таҳрир ҳайъати йўқ. Буни қандай тушуниш мумкин? Демак, пулини берса, хоҳлаган мақолани эълон қилиш ва кўкрак нишони олиш мумкин, деганими бу?

«Илмий салоҳиятни юксалтиришдаги хизматлари учун» танловида ҳужжатларни ташкилий кўмита кўриб чиқади, дейилган. Аммо кўмитаси ҳақида бирор жойда маълумот тополмайсиз. Ва бу «илм мусобақаси»да ҳам ўша эски ашула — маълум деб топилган номзодлар эсдалик



нишони, махсус гувоҳнома, қимматбаҳо совға, мақолалар тўплами билан тақдирланади.

Шу каби яна бир нечта танловларни кўздан кечириб чиққанимизда, ҳолатлар, шартлар, мукофотлар бир хил эканига гувоҳ бўлдик. Мисол учун, «Таълим соҳасидаги хизматлари учун» танлови халқаро илмий-амалий МДХ кўрик-танлови сифатида таърифланган бўлиб, иштирокчи ўз ишини инглиз, рус, ўзбек, қозок, қирғиз, украин, турк тилларида юбориши мумкин. Бунда ҳам ғолибларга ўша-ўша қуруқ нишону дипломлар топширилади. Иштирок этиш ўз йўлига, лекин номзодга нима беради бу?

Шу каби мулоҳазалар ортидан туғилган саволлар билан мутахассисларга мурожаат этдик. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Назокат Азимнинг маълум қилишича, бу каби танловлар орқали кўкрак нишони ва медаллар, жумладан, «Илм-фан ифтихори» кўкрак нишонини таъсис этиш бўйича ҳеч қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинмаган. Матбуот котибига кўра, «Илм-фан ифтихори» ва бошқа кўкрак нишони ҳамда медалларни таъсис этиш юзасидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлигига ҳеч қандай таклиф келиб тушмаган. Мазкур муносабатдан ҳам англаш мумкинки, вазирлик амалда бу каби нодавлат марказлар билан ҳамкор эмас. Энг муҳими,

сохта журналларда мақоласи чоп этилган талаба ва ўқитувчилар ҳеч қандай имтиёзга эга бўлмайди. Кўкрак нишони ва медаллар ҳам расмий тан олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ахборот хизмати раҳбари Гулноза Шарафованинг таъкидлашича, тизимда илмий тадқиқот олиб бораётган олимлар, ёш тадқиқотчилар томонидан ёзиб, эълон қилинадиган илмий мақолалар савиясига жуда катта эътибор қаратилади. «Реклама ва PRга асосланган ҳар хил газета ва журналлар ҳамда уларда эълон қилинадиган материаллар олимларимиз томонидан тан олинмайди. Илмда асос ва излашни самараси бўлиши лозим. Бир сўз билан айтганда, Фанлар академиясининг турли нодавлат илмий марказлар ва журналларга эҳтиёжи йўқ. Улар билан ҳамкорлик ҳам ўрнатмаган», деди у.

Бундай танловларда ғолиблик ва журналларда мақоласи чоп этилиши ўқитувчига устама учун имтиёз бермайди. Илгари ўқитувчи устама олиш учун, албатта, бирор журнал ёки газетада мақоласи чиққан бўлиши керак эди. Чунки Вазирлар Маҳкамасининг 823-сонли қарори бўйича педагогдан баҳоланаётган ўқув йилида оммавий ахборот воситалари, таълимга оид веб-сайтлардаги чиқирилган бўлиб, иштирокчи ўз ишини инглиз, рус, ўзбек, қозок, қирғиз, украин, турк тилларида юбориши мумкин. Бунда ҳам ғолибларга ўша-ўша қуруқ нишону дипломлар топширилади. Иштирок этиш ўз йўлига, лекин номзодга нима беради бу?

Шу каби мулоҳазалар ортидан туғилган саволлар билан мутахассисларга мурожаат этдик. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Назокат Азимнинг маълум қилишича, бу каби танловлар орқали кўкрак нишони ва медаллар, жумладан, «Илм-фан ифтихори» кўкрак нишонини таъсис этиш бўйича ҳеч қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинмаган. Матбуот котибига кўра, «Илм-фан ифтихори» ва бошқа кўкрак нишони ҳамда медалларни таъсис этиш юзасидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлигига ҳеч қандай таклиф келиб тушмаган. Мазкур муносабатдан ҳам англаш мумкинки, вазирлик амалда бу каби нодавлат марказлар билан ҳамкор эмас. Энг муҳими,

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Соғломлаштириш маркази ишга тушди

Марфилон шаҳридаги «Машад» маҳалла фуқаролар йиғинида аёлларни соғломлаштириш маркази фойдаланишга топширилди.




Марказнинг очилиш маросимида сектор раҳбарлари, маҳалла фаоллари ҳамда ҳудуддаги фаол хотин-қизлар иштирок этди. — Маълумки, бугунги кунда жамиятда аёллар, хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда, — дейди маҳалла раиси Қаноатхон Ҳабибуллаева. — Маҳалламизда фойдаланишга топширилган соғломлаштириш маркази айни фикрлар исботи дейиш мумкин. Бунинг учун тадбиркорга маҳаллада бўш турган бино берилиб, 36 миллион имти-

ёзли кредит ажратилди. Ушбу маблағга 4 та югуриш йўлакчаси, 2 та велосипед, қомат чиқарувчи аппарат, торози ва бўй ўлчаш мосламаси харид қилинди. Ҳозирда кунига 15-20 нафар маҳалла аёллари саломатлигини тиклаб бормоқда. Эътиборлиси, шу орқали 4 та иш ўрни яратилди.

Тадбир якунида маҳалла аҳолиси ҳамда фаоллар лойиҳа ташаббускори — тадбиркор Гулнорахон Эгамбердиевага миннатдорлик билдиришди.

Мухбиримиз.





# Одамлар қачон жамоат транспортини танлайди?

**ОДАМЛАР НЕГА АВТОБУСНИ СОАТЛАБ КУТИШИ КЕРАК? ЖАМОАТ ТРАНСПОРТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАВСИЯ ҚИЛИНАР ЭКАН, НЕГА УЛАР ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШМАЙДИ? БИРИ АВТОБУС САЛОНИ «ЁРИЛИБ» КЕТГУНЧА ЙЎЛОВЧИ ОЛСА, БОШҚАСИ КАТТА ЙЎЛДА «ПОЙГА» УЙНАЙДИ...**

Бугун пойтахтдан тортиб, чекка ҳудудларгача замонавий жамоат транспортлари аҳолининг узоғини яқин қилмоқда. Қулайлик ва сифатли хизматдан манзилга қандай етиб бориб қолганингизни билмай қоласиз баъзан. Бироқ улар кўрсатаётган хизматдан аҳоли мамнунми? Одамларни жамоат транспортларидаги шароитлар қониқтирарми? Тизимдаги муаммоларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўриларми?

— Президентимизнинг «Жамоат транспорти тизimini ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, Тошкент шаҳри учун 200 та 18 метрли, 500 та 12 метрли табиий газда ҳаракатланадиган ва 300 та 12 метрли электробуслар харид қилиниши белгиланган, — дейди **Транспорт вазирлиги бошқарма бош мутахассиси Санжар Турғунов**. — Шу билан бирга, Нукус шаҳри ва бошқа вилоят марказлари учун қўшимча равишда 1000 тага яқин табиий газда ҳаракатланадиган

автобуслар олиб келиниши белгиланган. Жойларда автобусларни кўпайтиришдан мақсад — аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни, тиқилинчликларнинг олдини олиш ва автобусларнинг оралиқ масофасини қисқартириш.

**Одамлар нега норози?** — Деярли ҳар куни жамоат транспортларидан фойдаланаман, — дейди **Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси Диёрбек Абдурахмонов**. — Айнан барча ишга, ўқишга кетадиган вақтда транспортлар интервали куннинг бошқа вақтига қараганда чўзилиб кетади. Автобус вақтида келмагани учун йўловчилар кўпайиб, гоҳида сизмай қоламиз. Амаллаб кетганимизда ҳам ҳайдовчилар «оч бўри»дек автобус сизимига мўлжалланган одамлардан кўп йўловчи олаверишади. Индамаса, унинг том қисмига ҳам йўловчи олишдан тойишмайди. Тиқилинчлиги етмагандек, «кондуктор» (чиптачи) йўловчилардан йўл ҳақини олиш учун

одамларга халақит бериб, автобуснинг у ёғидан бу ёғига бориб келаверади. Баъзида автобус вақтида келмагани учун дарсга кечикиб борамиз. Йўловчиларни белгиланган меърдан кўп олиши, автобуслар ўз вақтида келмаслиги-ку майли. Транспортдаги одамларнинг хавфсизлигини ўйламасдан баъзи бир ҳайдовчилар йўлларда «пойга» ўйнашади. Худдики автобус эмас, арава бошқариб кетаётгандек тез ҳайдашади. Баъзида «Картошка олиб кетмаяпсиз» деб бақиринг келади. Йўловчилар орасида ҳомилдор аёллар ва ёши катталар бўлади. Уларга бирор нарса бўлса ким жавоб беради? Айрим чиптачилар йўловчилар билан қандай муомала қилишни билишмайди. Йўналишни билмаган бирон ким чиқиб, манзилга етиб келган-келмаганини сўраса, қўрс жавоб қайтаришади. Жамоат билан ишлаётганда муомала маданиятини билиши керак. Булар ҳам бир четда тура-турсин, баъзи бир ҳайдовчилар буркитиб тамаки чекиша-

ди. Рул чамбарагини тутган ҳолда бемалол телефонда гаплашиб кетаверишади. Одамларнинг хавфсизлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Ҳақли саволлар туғилади: аҳоли жамоат транспортларидан фойдаланар экан, нега энди уларни соатлаб кутиши керак? Камига автобуслар белгиланган меърдан кўп йўловчи олади. Транспорт вазирлиги аҳолидан ўз машиналаридан эмас, жамоат транспортларидан фойдаланишни тавсия қилар экан, нега улар талаб даражасида хизмат кўрсатишмайди? Бири автобус салони «ёрилиб» кетгунча йўловчи олма, бошқаси катта йўлда «пойга» ўйнайди... Қолаверса, чиптачининг йўловчиларга нисбатан қўпол муомалада бўлиши қанчалик тўғри? Балки ҳайдовчи ва чиптачиларни ишга қабул қилишдан аввал саралаб олиш керакдир. Чунки улар кун давомида жамоат билан мулоқотда бўлади. Ёки уларни муомала маданияти бўйича ўқитиш лозимдир. Шунда вазият ўзгарар балки...



Умуман олганда, бугун жамоат транспорти ривожланмагани учун ҳам одамлар ишга, ўқишга боришда кўп вақт сарфланса-да, шахсий автомобиллардан, такси хизматидан фойдаланяпти. Ваҳоланки, жамоат транспорти ривожланса, улар кўрсатаётган хизматлар одамларни қониқтирса, аҳоли соатлаб тирбандликда қолиб кетгандан кўра, метро ёки автобусдан фойдаланиш шубҳасиз. Қолаверса, жамоат транспортдаги муаммолар ва автобусларнинг ҳаддан зиёд кўп йўловчи олиши аҳолининг телефон ва пуллари йўқолишига сабаб бўляпти. Фирибгарларга автобуслардаги тиқилинч ҳолат қулай вазият яратмоқда.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун жамоат транспортини ривожлантириш ва улардаги муаммоларни бартараф этиш даркор. Шундагина одамлар шахсий автомобилдан кўра, жамоат транспортини танлайди. Жамоат транспорти ривожланиши ордан нафақат аҳолининг манзилига бехатар етиб олишига шароит яратилади, балки автомобиллардан атмосферага чиқётган заҳарли газларнинг камайишига эришиш мумкин.

Мансурбек ЖАББОРОВ.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий коммуникациялар  
агентлиги томонидан  
2019 йил 24 сентябрда  
0019 рақами билан давлат  
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир  
**Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ**  
Ижодий гуруҳ:  
**Санжар ИСМАТОВ,**  
**Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ**  
Дизайнер:  
**Абдулазиз АҲМЕДОВ**

**Mahalla**  
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-  
маърифий газета

МУАССИС:  
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyī» МЧЖ

Таҳририят манзили:  
Тошкент шаҳри, Мустақиллик  
шоҳ кўчаси, 59-уй.  
Индекс: 100192  
Телефонлар:  
Қабулхона: 71 233-39-89,  
Обуна бўлими: 71 233-10-92.  
Баҳоли келишилган нархда.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри  
Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Ўлчам — А3, 4 босма табоқ.  
**8 510 нусхада чоп этилди.**  
Буюртма №: Г-218  
Газета таҳририят компьютер марказида  
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

